

**НАРГИС ҚОСИМОВА**

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА  
НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА  
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ**

Тошкент-2015

Мазкур ўқув-амалий қўлланма фуқаролик жамияти институтлари, хусусан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритишга интилаётган босма ва электрон ОАВ ходимлари, шунингдек блоггерлар, Ўзбекистон олий таълим муассасалари журналистика факультетлари талабалари учун мўлжалланган

**Масъул муҳаррир: Гулнора БОБОЖОНОВА,**

Журналистларни қайта тайёрлаш маркази директори, филология фанлари номзоди

**Такризчилар:**

Х.Дўстмухамедов, филология фанлари доктори, доцент

Н.Тошпўлатова, филология фанлари номзоди, доцент

О.Исаков, Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси

Мазкур қўлланма Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети Илмий кенгашининг 2015 йил “19” февралдаги 2-сон қарори билан нашрга тавсия этилди.

Қўлланма “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ОАВ роли” лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Фридрих Эберт жамғармасининг молиявий кўмагида чоп этилди.

## МУНДАРИЖА

### КИРИШ

#### 1-БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ИНСТИТУТЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

- 1.1. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти
- 1.2. ННТ фаолиятининг ҳуқуқий асослари
- 1.3. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бошқа шакллари
- 1.4. ННТнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
- 1.5. Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлар
- 1.6. ННТ фаолиятини ёритишда жаҳон ОАВининг тажрибаси
- 1.7. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида акс этиши

#### 2-БОБ. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЁРИТИШДА ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ

- 2.1. ННТ фаолиятини ёритишда журналистга қўйиладиган талаблар
- 2.2. Оммавий ахборот воситаларида ННТ фаолиятини ёритиш амалиёти
- 2.3. Ахборот манбалари билан ишлаш тамойиллари
- 2.4. ННТ фаолиятини ёритишда қўл келадиган жанрлар
- 2.5. Халқаро ва миллий журналистикада ННТ фаолиятини ёритишда ахлоқ кодексларига амал қилиш
- 2.6. Ногиронлиги мавжуд инсонлар билан мулоқотда тил ва услуб меъёрлари

### ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

#### ИЛОВА

“Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришган илк кунларданок мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий ва ижтимоий шарт-шароитлар яратилди.

Мазкур саъй-ҳаракатлар самараси ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари роли кучайиб, улар кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳал қилувчи омилга айланиб бораётганида яққол намоён бўлаётир. Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Мустақилликка эришиш арафасида республикамызда атиги юзга яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари рўйхатга олинган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони саккиз мингдан ошди. Уларнинг фаолияти атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни ҳимоялаш, ОАВ, таълим ва маданиятни, спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ечишга кўмаклашишга қаратилган.

Мазкур ўқув кўлланма оммавий ахборот воситалари ходимлари учун мўлжалланган бўлиб, у фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ННТларнинг ўрни ва аҳамияти, Ўзбекистон фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ОАВда акс этиши, ННТ фаолиятини ёритишда журналистга қўйиладиган талаблар, оммавий ахборот воситаларида уларни ёритиш амалиёти ва ахлоқий қоидаларни қамраб олган.

# 1-БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

## 1.1. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти

*“Фуқаролик жамиятининг энг асосий белгиси – бу давлатнинг вазифа-ваколатларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш орқали фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий маданиятини оширишдан иборат”<sup>1</sup>.*

*Ислом КАРИМОВ*

Ўзбекистон Республикаси ўз олдига қўйган асосий мақсад ва устувор вазифалари орқали мамлакатимизни эркинлаштириш ва модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари”<sup>2</sup> тамойилига асосланган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

*Фуқаролик жамияти — етук, дунёқараши кенг, ҳуқуқий баркамол, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан иборат жамият. Фуқаролик жамияти нафақат давлатнинг кучи билан, балки унинг аъзолари бўлмиш фуқароларнинг ўзлари орқали қарор топган ва ривожлантириладиган жамиятдир. Бундай жамият ўзини ўзи юксак даражада ташкил этиши билан ажралиб туради. Фуқаролик жамиятига давлатнинг кучли таъсири талаб этилмайди. Давлат бундай жамиятнинг назоратида бўлиши лозим. Зеро, у фуқаролар, корхона ва муассасалардан олинadиган солиқлар ҳисобига мавжуд бўлиб, ушбу жамият нафақат ўзининг сиёсий, маданий, балки иқтисодий, ижтимоий ҳаётини ҳам бошқариб туради.*

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик янгиланишларга ўзининг улкан ҳиссасини қўшаётган фуқаролик жамияти институтлари, яъни нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиб келмоқда. Уларнинг мақсад ва вазифалари мамлакатимизда демократик кадриятлар ва тамойиллар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Уларнинг ичида учинчи секторнинг асосий таркиби бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда.

*! Нодавлат нотижорат ташкилотлари даромад олишни кўзламасдан ташкилот мақсадларига жавоб берадиган фаолият учун ўз куч ва*

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва катъий иродаимизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: “Ўзбекистон”, 2004. – Б.350.

<sup>2</sup> Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси // Халқ сўзи, 2012, 20 ноябрь.


*маблағларини сарфлашга тайёр бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг ташаббуси билан ташкил этилади*<sup>3</sup>.

Ўзбекистон учун истиқлол йиллари аҳолимизнинг кенг қатламлари кўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди.

*! Давлатда фуқаролик жамиятининг ривожини учун ННТ сектори фаолияти зарурлигини асослайдиган иккита муҳим сабаб мавжуд. Биринчидан, ижтимоий зарурият, чунки ННТ демократик жамиятда муҳим функцияни бажаради - аҳолининг муҳтож қатламларини муҳофаза қилиш учун махсус муҳит яратади, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Иккинчидан, иқтисодий зарурият - ННТ фуқароларнинг кичик муммоларини тор доирада, ҳудуднинг ўзидан ечишга имкон беради.*

Мамлакатимизда 1991 йили жамоат бирлашмаларининг сони 200 тани ташкил этган бўлса, 2000 йилда уларнинг сони 2300 тага, 2010 йилда – 5100 тага етди. Бугунги кунда мамлакатимизда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида 8 минг 100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Бу 2010 йилга нисбатан 1,6 марта кўпдир<sup>4</sup>.

*1-чизма. Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларининг ўсиш кўрсаткичи.*



<sup>3</sup> О.Қурбонов. “Миллий иқтисодиётда учинчи секторнинг шаклланиш ва ривожланиш йўналишлари” мавзусидаги битирув малакавий иши. Гулистон. 2011. Б.10

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форуми, декабрь 2014 й.

## 1.2. ННТ фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил қилиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари принциплари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Фуқаролик кодекси нормаларида ўз аксини топган. Республикада бу йўналишда 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги давлатимиз томонидан мазкур соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади. Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий асослари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Конституциянинг 15-, 30-, 34-моддаларида ННТнинг фаолиятига оид тегишли қоидалар белгиланган бўлиб, XIII боб тўлалигича жамоат бирлашмаларига бағишланган. 1992 йил);

- “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги (1991 йил);

- “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги (1992 йил);

- “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги (1999 йил);

- “Жамоат фондлари тўғрисида”ги (2003 йил);

- “Ҳомийлик тўғрисида”ги (2007 йил);

- “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” (2007 йил);

- “Экологик назорат тўғрисида”ги (2013 йил);

- “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги (2014 йил) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари<sup>5</sup>;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (2005 йил 23 июнь);

- Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати кенгашларининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори (2008 йил);

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори (2013 йил 12 декабрь);

**! Нодавлат нотижорат ташкилоти** — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини

<sup>5</sup> www.lex.uz

*амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.*

**“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, 2-модда**

2008 йилда Олий Мажлис ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек, ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси ташкил этилган.

*! Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасига кўра нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин. Қолаверса, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузиши мумкин.*

Президент И.Каримовнинг 2013 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги<sup>6</sup> қарорига мувофиқ, 2014 йилнинг 1 январидан нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи миқдори 5 баравар, уларнинг рамзий белгиларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимлар миқдори 2,5 баравар камайтирилди. Эндиликда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида бўлинмалари (ваколатхоналари ва филиаллари)ни, шу жумладан, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлганларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун давлат божи ундирилмайди. Ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар ва болалар жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи мазкур қарор билан тасдиқланган давлат божи миқдорининг 50 фоизи миқдорида ундирилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатлари адлия органлари томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилганидек икки ой муддат ўрнига бир ой муддатда кўриб чиқилиши белгиланди. Шунингдек, қонунчиликдаги юридик шахслар олти ой мобайнида банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда уларни тугатиш учун асос бўлишини назарда тутувчи қоида нодавлат нотижорат ташкилотларига жорий этилмайди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш ва

<sup>6</sup> <http://vatanparvar.uz/uz/documents-uzb>



уларнинг фаолиятини ташкиллаштириш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ҳамда тартиботларни янада такомиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида 2014 йил 10 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Қарор билан нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги, нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек, уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомлар тасдиқланди. Қарорга асосан ННТни рўйхатга олиш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар рўйхати ҳам қисқартирилиб, барча ҳужжатлар давлат тилида тақдим қилиниши белгилаб берилди, муҳими, нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби соддалаштирилди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари алоҳида бўлинмаларини ҳисобга қўйиш тартиби белгилаб берилди. Юқорида тилга олинган Президент қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда халқаро шартномаларида мустаҳкамланган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан самарали назоратни таъминлаш чораларини кўриш вазифаси юкланди.

Юртимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг 39 фоизи давлат ҳокимияти органларининг ташаббуси билан тузилган. 2005 йил 18 майда тузилган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ННТ кучларини мувофиқлаштириш ва улар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш борасида фаолият юритиб, ўз атрофида 400 дан ортиқ ННТ вакилларини бирлаштирган.

Мавжуд нодавлат нотижорат ташкилотларининг 16,1 фоизини спорт, 10,4 фоизини ёшлар, 10 фоизини ҳуқуқий ва демократик институтларни мустаҳкамлаш, 9 фоизини сиёсий партия ташкилотлари, 8,4 фоизини ногирон ва имконияти чекланганлар манфаатини ҳимоя қилиш, 6,4 фоизини маданият-маърифат ва тарих йўналиши, 6,3 фоизини касаба уюшмалари, 5 фоизини хотин-қизлар, 4,4 фоизини фавқулодда вазиятлар, 4,2 фоизини фахрийлар, 3,8 фоизини соғлиқни сақлаш, 3,4 фоизини тадбиркорлар ва фермерлар ҳамда қолган 12,6 фоизини бошқа соҳалар ташкил этади<sup>7</sup>.

### **1.3.Халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлар**

*! Ўз уставига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда битта ёки ундан кўпроқ чет эл давлати ҳудудида фаолият олиб бориши мумкин бўлган халқаро*

<sup>7</sup> Х. Мелиев. Фуқаролик жамияти: уни қўллаб-қувватлашнинг миллий модели.  
<http://huquqburch.uz/uz/view/2007>

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонун (2004 йил 30 апрелда киритилган қўшимча ва ўзгартишлар)га асосан халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхона ва филиалларини Ўзбекистон ҳудудида очиш ва фаолият юритиши учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида “аккредитация”дан ўтказиш учун эмас, балки давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби белгиланди<sup>8</sup>. Халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхона ва филиаллари давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўладилар. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги тан олинган. Бу норма “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида ўз ифодасини топган бўлиб, республикамиздаги бир қатор халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхона ва филиаллари ҳукуматлараро битимларда кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда фаолият юритиб келмоқдалар. Хусусан, Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги (01.03.1994 й.), Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги “Маданий ҳамкорлик тўғрисида”ги (28.04.1993 й.), Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва “Конрад Аденауэр фонди” ўртасидаги (09.11.1993 й.), Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва “Фридрих Эберт фонди” ўртасидаги (19.05.1998 й.) битимлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлари билан бирга халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхона ва филиалларига ҳам бир қатор имтиёз ва афзалликлар берилган.

Жумладан, Солиқ кодексига мувофиқ бир неча хил солиқ тўловларидан ва бюджетга мажбурий тўловлардан озод этилганлар<sup>9</sup>. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунда халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхона ва филиалларининг чет эллик раҳбарлари, ходимлари ва уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан аккредитация қилиш белгиланган. Аккредитация бир йил муддатгача ва муддати узайтириш ҳуқуқи билан берилиб, чет эллик ходимлар аккредитация қарточкасида белгиланган муддат давомида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг рухсатномасисиз меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар. Шунини таъкидлаш жоизки, республикамиз ҳудудида нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан чет эл ташкилотларининг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан (ҳисобга олинмасдан) туриб фаолият юритишлари ман этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 239-моддасида жарима

<sup>8</sup> [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=11360](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=11360)

<sup>9</sup> [http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=1286558](http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1286558)

белгиланган<sup>10</sup>. Қонуннинг 30-моддасига кўра халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхона ва филиаллари ҳамда уларнинг ходимларининг сиёсий фаолиятда, шунингдек уставдаги мақсад ва вазифаларга тўғри келмайдиган бошқа фаолиятда қатнашиши ман этилган<sup>11</sup>. Шу билан бирга уларнинг сиёсий партиялар ҳамда оммавий ҳаракатлар томонидан ўтказиладиган амалий ҳаракатлар ва тадбирларни молиялаштиришига, шунингдек бундай ташкилотларни тузиш ташаббуси билан чиқишига ҳамда шундай ташкилотлар тузишни қўллаб-қувватлашига йўл қўйилмаслиги белгиланган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 239-моддасига асосан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган рамзий белгиларни ишлатиши, рўйхатдан ўтказувчи органнинг розилигисиз тадбирлар ўтказиши, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари ўтказётган тадбирларга рўйхатдан ўтказувчи орган вакилининг эркин киришини рад этиши, ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этмаслиги, ўз вақтида тақдим этмаслиги ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиши, қолаверса нодавлат нотижорат ташкилотларининг ахборотни, шу жумладан улар томонидан мол-мулк ва пул маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаслик уларни маъмурий жавобгарликка тортишга олиб келади.

#### 1.4. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг бошқа шакллари

Ўзбекистон Республикаси қонунларида нотижорат ташкилотларининг бир нечта кўриниши кўрсатиб берилган. Буларга истемолчилар (матлуботчилар) кооперативи, жамоат бирлашмаси, жамоат фонди (жамғармаси) киради. Ушбу ташкилотлар ННТ ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳисобланади<sup>12</sup>.

“Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, ўз ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний талабларини сиёсат, иқтисод, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва бошқа ҳаётий жабҳалар соҳасида ўзаро амалга ошириш учун бирлашган, фуқароларнинг эркин хоҳиш-истаклари натижасида пайдо бўлган, ихтиёрий равишда шаклланган фуқароларнинг жамоат бирлашмаси **жамоат бирлашмаси** деб эътироф этилади<sup>13</sup>.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар, илмий, техник, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа ихтиёрий жамиятлар, ижодий уюшмалар, ватандошлар уюшмаси, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа ташкилотлари жамоат бирлашмалари деб аталади. “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасига мувофиқ, жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихтиёрий

<sup>10</sup> Н.Исмаилов. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мониторинги <http://huquqburch.uz>

<sup>11</sup> [http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=1286558](http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1286558)

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолиятига доир саволлар ва жавоблар (амалий қўлланма) / Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази, 2009. Б.25

<sup>13</sup> <http://parliament.gov.uz/uz/law/1991/3162/>

мулкый бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти **жамоат фонди** деб эътироф этилади<sup>14</sup>.

*! Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 76-моддасига мувофиқ, мол-мулк эгаси томонидан бошқарув, ижтимоий-маданий ёки нотижорат йўналишидаги бошқа вазифаларни амалга ошириш, ташкилотни тўлиқ ёки қисман маблағ билан таъминлаш ишлари зиммасига олинсагина, у ташкилот сифатида эътироф этилади. Ташкилотнинг фаолиятини тартибга солувчи қандайдир махсус меъёрий-ҳуқуқий актлар йўқ.*

Шунингдек, нотижорат ташкилотлари сифатида хусусий уй-жой мулк эгалари ширкати (“Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддаси) истеъмолчилар кооперативи (Ўзбекистон Республикаси ФК 73-моддаси) деб қайд этилган. Аммо “Кооперация тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, **мустақил равишда хўжалик ишини юритаётган шахс ҳам кооператив** ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, кооперативнинг асосий мақсади ўз аъзолари учун фойда олишдан иборат бўлиб, бу ННТ мақсадлари ва вазифаларига зид келади. Шунингдек, ННТга фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) (Ўзбекистон Республикаси ФК 78-моддаси), микрокредит ташкилотлари (“Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддаси), адвокатлик шаклланишлари (“Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг 4-1, 4-2, 4-3-моддалари), Савдо-саноат палатаси (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ССП тузиш тўғрисида”ги Фармонининг 3-пункти) ҳам киради<sup>15</sup>.

### **1.5. ННТнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?**

“ННТ тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари:

\*жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

\*демократик бойликларни ҳимоя қилиш;

\*ижтимоий, маданий ва маориф соҳасидаги мақсадларга эришиш;

\*маънавий ва бошқа номоддий талабларни қондириш;

\*хайр-эҳсон фаолиятини амалга ошириш;

\*бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни рўёбга чиқариш учун тузилади.

ННТ одатда тўлиқ жамият манфаатлари ёки унинг секторлари, шунингдек, ташкилотларнинг аъзолари талабларини қондириш мақсадида

<sup>14</sup> <http://parliament.gov.uz/uz/law/2003/3578/>

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолиятига доир саволлар ва жавоблар (амалий қўлланма)/Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази, 2009. 26 б.

ташқил қилинади. Муҳими, шуни унутмаслик керакки, нодавлат нотижорат ташкилоти фойда (даромад) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади сифатида кўзламайди ва олинган фойда(даромад)ни ўзининг аъзолари (қатнашчилари) орасида тақсимламайди<sup>16</sup>.

Мамлакатимизда ННТ фаолияти биринчи галда жамиятнинг кам таъминланган, ёши улуғ ва меҳнатга қобилиятсиз аъзоларини ҳимоя қилиш учун шароит яратиш орқали ислоҳот дастурларини амалга оширишнинг ижтимоий харажатларини енгиллаштиришга, аҳоли бандлигини кенгайтириш ва бошқа касбларни ҳам ўрганишига, қишлоқлар ва кичик шаҳарлардаги ислоҳотларга кўмаклашишга, фуқаролар билим даражасини оширишга, ёш авлодни тарбиялашга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кичик ва ўрта бизнес ривожини рағбатлантиришга қаратилган.

Фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда, ҳаётимиздаги кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда уларнинг ўрни тобора ошиб бормоқда. Аммо ННТнинг вазифалари қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлмасин, уларни ўз фаолиятининг ишончли иқтисодий потенциалига эга бўлган ҳолда, Ўзбекистон қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ўз маблағларидан ҳам, давлатнинг қўллаб-қувватлаш механизмларидан ҳам самарали фойдаланибгина муваффақиятли амалга ошириши мумкин. Давлат муайян кафолат, имтиёз ва преференциялар бериш, солиққа тортиш ва давлат томонидан молиялаштириш тартибларини такомиллаштириш йўли билан ННТ ривожини рағбатлантиради.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунига кўра ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти давлат томонидан субсидия, грант, ижтимоий буюртмалар бериш шаклида қўллаб-қувватланмоқда. 2008 йилдан ҳозиргача Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси кўмагида ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари ассоциациялари ва бирлашмаларининг 600 га яқин ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа, дастур, устав вазифалари амалга оширилди<sup>17</sup>.

<b>!</b>	<b>Нодавлат</b>	<b>нотижорат</b>	<b>ташкilotининг</b>	<b>мол-мулкни</b>
<b>шакллантириш манбалари:</b>				
- кириш ва аъзолик бадаллари, агар улар уставда назарда тутилган бўлса;				
- муассислардан, қатнашчилардан (аъзолардан) бир мартаба ва мунтазам равишда келадиган тушумлар;				
- ихтиёрий мулкий бадаллар ва эҳсонлар;				
- тадбиркорлик фаолиятдан олинган, фақат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар (фойда);				
- қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлар.				

<sup>16</sup> Ўша ерда 21 б.

<sup>17</sup> Д.Сиддиқов. Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда парламентнинг роли.  
<http://www.dustlikbayrog.uz/uz/news/info/economy/3398/>

Фаолияти давомида ишлаб топилган барча маблағларни ННТ ўзларининг дастурларини кенгайтириш ва молиялаштиришга йўналтиришади. Бу билан давлатга ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва санъатни қўллаб-қувватлашда ёрдам берган ҳолда давлат бюджетига уларнинг оғирлиги тушмайди.

Ўзбекистонда жамоат фондининг маблағлари ажратилиши мумкин бўлган мақсадлар аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, улар ННТнинг минтақалардаги аниқ ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ўзлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган социал ва ижтимоий лойиҳаларини молиялаштиришга ажратилади. Таъкидлаш жоизки, ННТнинг кенг қўламли халқаро алоқаларини рағбатлантириш чора-тадбирлари кўзда тутилган. Фонд ва парламент комиссиясининг вазифаларидан бири ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни кенгайтириш, улар томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантириш масалаларига бағишланган ҳар хил халқаро тадбирлар ўтказилишига, жамиятни демократлаштириш жараёнларида уларнинг фаол иштирок этишига кўмаклашиш ҳисобланади.

#### **1.6. ННТ фаолиятини ёритишда жаҳон ОАВининг тажрибаси**


XX аср охири XXI аср бошларида бутун дунёда турли хил халқаро нодавлат ташкилотлари (ХННТ)нинг вужудга келиши қайд этилиб, тадқиқотчилар мазкур жараён натижасида тез орада “*revolution associative*”, яъни “ассоциациялар инқилоби” юз беришини башорат қилишмоқда. ХННТнинг кўпайиб боришининг бир қанча сабаблари мавжуд бўлиб, булар:

- дунёда глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши;
- алоҳида давлатлар ва давлатлараро ташкилотларнинг глобал муаммоларни ечишга қурби етмаётганлиги;
- ички ва ташқи халқаро ҳаётда демократик жараёнларнинг шаклланиши ва уларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли кучайиши;
- давлатларнинг миллий манфаатларида асосий эътиборни инсон ҳуқуқлари, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, таълим, экология масалаларига қаратилиши;
- фуқароларнинг ўз ҳаётлари борасидаги қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирокини таъминлаш ва унинг ижросини назорат қилишга интилишлари ва ҳоказолардир.

**! Халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти ўз низомига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда битта ёки ундан кўпроқ чет эл давлати ҳудудида фаолият олиб бориши мумкин<sup>18</sup>.**

<sup>18</sup> [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=11360](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=11360)


Бугунги кунда мазкур ХННТнинг фаолияти асосан уларнинг интернет сайтлари орқали ёритилади. Масалан, Халқаро ҳуқуқ ассоциацияси 1873 йили Брюсселда Лорд Мэнс томонидан ташкил этилган бўлиб аввало “Ислохотлар ва халқлар ҳуқуқларининг кодификацияси ассоциацияси” деб аталган бўлса, 1895 йили ҳозирги номини олган. У бугун БМТ, ЮНЕСКО, ЮНКТАД ва бошқа қатор халқаро ташкилотлар қошида консултатив мақомга эга. Бугунги кунда Ассоциация 3 425 нафар аъзога эга бўлиб, халқаро ҳуқуқ борасида дунёдаги энг нуфузли халқаро нодавлат ташкилотлардан ҳисобланади. Ассоциация халқаро ҳуқуқни ривожлантиришга кўмаклашиб, унинг [www.ila-hq.org](http://www.ila-hq.org) сайтида ассоциацияга аъзо нодавлат ташкилотларининг фаолиятлари кенг ёритиб борилади<sup>19</sup>.



“Чегара билмас шифокорлар” халқаро тиббий гуманитар ташкилот бўлиб, 1999 йили ҳарбий можаролар, табиий ва техноген офатларда зарар кўрганларга ёрдам берганлиги ва инсонпарварлик фаолияти учун Нобель мукофотига сазовор бўлган. Ташкилот 1971 йили Нигерияда содир бўлган можароларнинг қурбонларига ёрдам бериш мақсадида Парижда тузилган эди. Бугунги кунда унинг бош офиси Брюсселда жойлашган бўлиб, дунё бўйлаб 20 та ҳудудий ваколатхоналари мавжуд. Унинг 2500 нафардан зиёд аъзолари ҳар йили жаҳоннинг 80 та мамлакатларида фаолият юритишади. Унинг [www.mfs.org](http://www.mfs.org) сайтида олиб бораётган фаолияти кенг ёритилиб борилади<sup>20</sup>.

<sup>19</sup> [www.ila-hq.org](http://www.ila-hq.org)

<sup>20</sup> [www.mfs.org](http://www.mfs.org)



“Чегара билмас шифокорлар” ташкилоти йирик халқаро дастурларда катнашиб, 1994 йилдан бошлаб Буюк кўллар ҳудудида этник ва ҳудудий можаролар қурбонларига, 2002-2003 йилларда Либерияда фуқаролик уруши қатнашчиларига, 2003 йилларда Ироқда фуқароларга, 1979-2004 йилларда – Афғонистон-Покистон чегарасида ва Афғонистоннинг ўзида одамларга ёрдам бериб, айти пайтда дунёда эпидемия тарқалган ва ҳарбий можаролар кетаётган ҳудудларда уруш ва касаллик қурбонларига ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ташкилотнинг хартияси унинг нодавлат мақомини белгилаб, волонтерлари ва ходимлари ташкилотнинг сиёсий, диний ва иқтисодий кучлардан мустақиллигини сақлаш мажбуриятини олишган. Шунингдек улар инсон ҳуқуқларининг поймол қилинишига қарши чиқиб, давлат органларига бевосита ва билвосита турли хил ахборот кампанияларини ўтказиш ва жамоатчилик фикрини мобиллаштириш орқали таъсир ўтказиб келишмоқда.


Ташкилотнинг Ўзбекистондаги муҳим мақсад ва вазифалари жумласига профилактик ва клиник тиббий хизматларни яхшилаш, соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш, шунингдек соғлиқни сақлашнинг ахборот салоҳиятини кенгайтириш киради. У Тошкент ва Мўйноқ шаҳарларида жойлашган ўз минтақавий ваколатхоналари орқали Орол денгизи минтақасида яшайдиган аҳолига сув таъминоти, санитария, эпидемиология, оналар ва болалар соғлиқини сақлаш соҳаларида дори-дармонлар ва асбоб-ускуналар тақдим этиш, таълим бериш ва тадқиқотлар ўтказиш йўли билан инсонпарварлик ёрдами кўрсатмоқда.

## GREENPEACE

Яна бир машҳур нодавлат ташкилотларидан бири Гринпис бугунги кунда экологик муаммоларни ҳал қилишга, Ер юзи ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлашга ўз ҳиссасини қўшиб келайтир. Ташкилот 1971 йили Канаданинг Ванкувер шаҳрида ташкил этилган, унинг аъзолари экологик жиноят содир этилган жойда бўлиб, жамоатчилик эътиборини унга қаратиш мақсадида ОАВга холис ахборотни етказишга ҳаракат қилишади.



Гринписнинг асосий мақсади глобал экологик муаммоларни ҳал қилишдир. Гринпис фақатгина ҳомийлик ҳисобига яшаб, давлат ва тижорат тизимлари, сиёсий партиялардан мутлақо ёрдам олмайди<sup>21</sup>.



Гринпис сайтида унинг халқаро фаолияти кенг ёритилади. Аксарият ҳолатларда фаолияти ирсий муҳандислик ва нанотехнологиялар соҳасидаги тадқиқотлар билан боғлиқ ташкилотларга қарши чиқиши илмий ҳамжамиятда Гринпис борасида турли хил фикрларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.




“Чегара билмас репортёрлар”<sup>22</sup> халқаро нодавлат ташкилоти 1985 йили Францияда ташкил этилган. Ташкилот ахборот эркинлиги учун, цензурага қарши, ҳибсга олинган журналистларни озод этиш мақсадида фаолият олиб боради. Ғарбнинг йирик концернлари, АҚШ ва Франция ҳукумати томонидан молиялаштирилади. Ўз веб-саҳифасида мунтазам равишда 160 зиёд мамлакатларда сўз эркинлиги индексини бериб боради.

**Халқаро Қизил Хоч қўмитаси**<sup>23</sup> (ХҚХК). ХҚХК мустақил халқаро ташкилот бўлиб, унинг вазифалари жумласига урушлар ва фуқаролар тўқнашувларида жабр кўрган шахсларга ёрдам кўрсатиш, шунингдек халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг родини ошириш киради. ХҚХК можаролашган томонлар ўртасида воситачилик қилади ва улар ўртасида музокара ўрнатилишига қўмаклашади.

<sup>21</sup> www.greenpeace.org


<sup>22</sup> www.rsf.org

<sup>23</sup> www.icrc.org



ХҚХҚ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Қизил Ярим ой жамияти билан ҳамкорлик қилишга устувор аҳамият бермоқда.

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти**<sup>24</sup>. БМТ томонидан 1948 йилда тузилган. Ташкилот ўз олдида “ҳамма халқларнинг мумкин қадар соғ-саломат бўлишига эришиш”ни мақсад қилиб қўйган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг вазифалари жумласига касалликларга қарши кураш олиб бориш, уларни тугатиш чораларини кўриш, атроф-муҳит муҳофазаси, юқумли ва юқумсиз касалликларга қарши кураш учун халқаро стандартлар белгилаш, дори моддалар сифати ва қўшимча таъсири ҳамда гиёҳвандлик воситалари устидан халқаро назорат ўрнатиш, тиббиёт фанининг энг муҳим муаммолари бўйича ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва уларни амалга оширишга кўмаклашиш киради. Ташкилот 6 минтақавий ташкилотни ўз ичига олади.



Ўзбекистонда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бошқа донорлар билан ҳамкорликда юқумли ва юқумсиз касалликларни назорат қилиш, умумий эпидемиологик вазиятни, сув таъминоти ва санитария ҳолатини кузатиб бориш, акушерлар, ҳамширалар ва энагалар тайёрлаш, фармацевтика соҳасини ислоҳ қилиш ва зарур дори-дармонлар билан таъминлаш лойиҳаларини амалга оширмоқда.

<sup>24</sup> www.who.int




**Европа Иттифоқининг МДХ мамлакатларига техникавий ёрдам кўрсатиш дастури (TACIS)<sup>25</sup>.** TACIS дастури Европа Иттифоқининг (ЕИ) ташаббуси билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Мўғулистонга ёрдам кўрсатиш учун тузилган бўлиб, унинг мақсади ЕИ билан ҳамкор мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва сиёсий алоқаларни ривожлантиришдан иборат. ЕИ TACIS дастури доирасида Ўзбекистонга техникавий ёрдам кўрсатади.

TACIS бозор иқтисодига ўтиш ва демократик жамият барпо этишни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган илғор лойиҳалар ва технологияларга грантлар беради. TACIS шунингдек инвесторларни жалб этиш учун техникавий асослашларни ишлаб чиқишга ҳам кўмаклашади.

**АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)<sup>26</sup>.** 1961 йилда ташкил этилган АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги мустақил федерал ҳукумат агентлиги бўлиб, унинг вазифалари жумласига АҚШнинг чет элдаги иқтисодий ва сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида чет давлатларга ёрдам, шу жумладан инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш киради.

USAIDнинг Ўзбекистондаги уч асосий фаолият соҳасига иқтисодни реструктуризация қилиш, демократик жамият барпо этиш ва ижтимоий секторни мустаҳкамлаш киради. USAID хусусий секторни ривожлантириш, солиқ сиёсатини, солиққа тортиш қонунчилигини ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кичик корхоналарни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш ва оилани режалаштиришни такомиллаштириш, ноҳукумат ташкилотларининг ролини кучайтириш ва бошқа шунга ўхшаган соҳаларда кенг ёрдам кўрсатади.



Ахборот-маърифий фаолият, илмий-ноширлик ишлари инсон ҳуқуқлари билан шуғулланадиган миллий институтлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликнинг негизини ташкил этади. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда кўмак кўрсатадиган асосий ҳамкорлар сирасига БМТ (БМТТД), ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, ЕХХТ, Конрад

<sup>25</sup> ru.wikipedia.org

<sup>26</sup>http://www.usaid.gov/

Аденауэр ва Фридрих Эберт жамғармалари, Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси (ХҚХК), хорижий давлатлар элчихоналари киритиш мумкин.

Ахборот-маърифий фаолият соҳасида халқаро ҳамкорлик жамиятнинг турли қатламлари учун биргаликда семинарлар, тренинглар, ўқув курслари ўтказишга асосланади. Кейинги йилларда ҳамкорликнинг анъанавий йўналишларига (хотин-қизлар, болалар, экология, соғлиқни сақлаш) янгилари ҳам қўшилди. Масалан, Ўзбекистон сиёсий раҳбариятининг хоҳиши ва иродаси туфайли давлат тузилмалари билан ноҳукумат ташкилотлар ўртасида мулоқот ўрнатилди. Қонунчилик, инсон ҳуқуқлари мониторинги ва муқобил маърузалар ёзиш масалалари бўйича бир қатор семинарлар ва тренинглар ўтказилиши бунинг ёрқин тасдиғидир. Шунингдек, турли диний конфессиялар вакиллари билан ҳам мулоқот ўрнатилган, “Ўзбекистон Конституцияси ва конфессиялараро мулоқот” деб номланган доимий семинар бундан далолат беради. Анжуман давомида давлат органларининг вакиллари диний арбобларга уларнинг эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида баҳс юритишади ва шу билан барча саволларга аниқлик киритишади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимини ислоҳ қилиш халқаро ҳамкорлик соҳасида энг муҳим йўналишлардан бири бўлди. Республиканинг барча вилоятларида Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура ходимлари, судьялар ва адвокатлар учун “Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар”га оид тренинглар ўтказилади.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмаслигини, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш тизимини яратиш зарурияти давлат ва жамият олдида янада мураккаб ва катта вазифаларни қўяётганини таъкидлаш жоиз. Давлат сиёсатининг янги йўналишлари, ҳамда давлат органлари, нодавлат ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янги шакллари вужудга келмоқда<sup>27</sup>.

Кейинги пайтларда ижтимоий ҳамкорлик тамойилларига асосланган давлат органлари ўртасида ҳам, улар билан нодавлат ташкилотлар ўртасида ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш масалалари бўйича шартномалар тузиш каби ўзаро шакллари пайдо бўлди. Шундай шартномалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ОМБУДСМАН) ва Конституциявий суд, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси, Судьялар ассоциацияси ўртасида, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази ва бошқа тузилмалар ўртасида тузилган.

Албатта йирик халқаро нодавлат ташкилотларининг фаолияти доимий равишда журналистлар эътиборида бўлади, аммо маҳаллийлариникичи? Россия Федерациясининг Фуқаролар ташаббусларига кўмаклашиш маркази


---

<sup>27</sup> Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сиёсати. [http://www.insonhuquqlari.uz/m\\_uz/thames](http://www.insonhuquqlari.uz/m_uz/thames)

ОАВ ва ННТ ҳамкорлиги борасида мониторинг ўтказиб<sup>28</sup>, жамоат эътиборида бўлган йирик муаммолар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва уларнинг ННТ томонидан ҳал этилиши доимий равишда ҳудудий матбуот эътиборида бўлсада, аммо ННТнинг фаолияти таҳлилий ёритилмаслигини аниқлади. ННТ раҳбарияти билан суҳбатдан маълум бўлишича, уларнинг кўпчилиги журналистлар билан мунтазам ҳамкорлик қилмайдилар. Бир ой ичида ҳудуддаги 1 ёки 2 та ННТ ўтказган тадбир ҳақида хабар берилади. Журналистлар эътиборида 0,1% ННТгина бўлиб, қолган 99%ининг фаолияти деярли ёритилмайди. Мониторинг хулосасига кўра:

- Журналистларда ННТ фаолияти йўналишлари хусусидаги билимлар етарли эмас, баъзида эса улар фаолиятидаги воқеаларни нотўғри талқин этадилар;
- ННТнинг ўзлари ўз фаолиятларининг етарли даражада ёритилиши учун ҳаракат этмайдилар;
- ННТ ва журналистлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари етарлича ўрнатилмаган;
- Агарда ННТ аҳолига ўз фаолиятлари хусусида етарли даражада хабар беришни истасалар ОАВда ойига 5 тадан кам бўлмаган чиқиш қилишлари зарур.

ННТ томонидан чиқарилаётган турли хил буклетлар ва бюллетенлар уларнинг фаолиятидан аҳолини хабардор қилиб бориш учун етарли эмас. Интернет журналистикасининг ривожига мазкур муаммога қисман бўлсада барҳам берди. Халқаро ва маҳаллий ННТ интернетдаги саҳифаларида ўз фаолиятларини ёритиб бормоқдалар. Аммо ахборотлар асосан хабар шаклида бўлиб, фуқаролар билан мулоқотлар, долзарб ижтимоий муаммоларнинг муҳокамаси, муваффақиятлар тарихи ва фуқаролик жамияти институтлари билан тажриба алмашилишига бағишланган таҳлилий материаллар йўқ. Сайтларида сайтларида асосан ўтказилган тадбирларнинг матбуот релизлари ва шу ҳақдаги хабарлар жойлаштирилади.



<sup>28</sup> Анализ взаимодействия СМИ и НКО. <http://www.wildfield.ru>

Албатта сўнги йилларда кўпгина ННТ пиар технологияларнинг методларидан самарали фойдаланиб келишмоқда. Аммо ОАВ билан ҳамкорлик, мутахассисларнинг фикрича, ҳануз яхши йўлга қўйилмаган ва бу ҳолат дунёнинг етакчи давлатлари маҳаллий ННТнинг фаолиятида ҳам кузатилмоқда.

### **1.7. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида акс этиши**

Фуқаролик жамияти асосларини аҳоли онгига етказиш, фуқароларнинг бу борадаги фикрини, фаол позициясини шакллантириш учун ОАВда ННТ мақсад ва вазифалари, уларнинг фаолиятини тўлиқ, таҳлилий равишда ёритиш муҳим аҳамият касб этади. Жиззах вилояти “Қалб нури” ННТ аъзоларининг фикрига кўра, бугунги кунда ОАВ ва ННТ ҳамкорлиги яхши қўйилган, деб бўлмайди. Кўпгина ННТ журналистлар ўз фаолиятларининг етарлича ёритилмаётганлигидан нолишади. Аммо бунга бир томондан уларнинг ўзлари ҳам айбдор. Ўз фаолиятларини етарлича тарғиб қилмаслик, журналистлар билан ҳамкорлик ўрнатишга интилмаслик мазкур муаммонинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

“Фаол” ННТ аъзоларининг айтишича, аксарият ҳолатларда нодавлат нотижорат ташкилотлари пиар технологиялардан етарлича хабардор эмасликлари, ўзлари ташкил этаётган тадбирлар ҳақидаги маълумотларни тайёрлаш ва етказишда эринишлари, ОАВ ходимлари ННТ ва унинг фаолияти хусусида зарур билимларга ва ахборотга эга эмасликлари натижасида бугунги кунда Ўзбекистон ОАВда жамиятнинг “учинчи сектори” етарли даражада ёритилмаяпти. Хўш, мазкур муаммони ҳал қилиш учун нима қилиш лозим?

Сўнги уч йил ичида Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан мунтазам равишда ОАВ ва ННТнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш борасида семинар-тренинглари ўтказилиб келинмоқда. Лойиҳанинг барча қатнашчилари мазкур семинар-тренинглари аввало мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ННТнинг ролини оширишга, журналистларнинг эса нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини кенгрок ёритишга ёрдам беришга, улар ўртасидаги ҳамкорлик фақатгина очиклик, шаффофлик, холислик, ўзаро ҳурматга асосланган бўлиши учун интиладилар.

Матбуот ва интернет сайтларида ННТ лар фаолиятини ёритилишига назар ташлар эканмиз, аксарият ҳолатларда маълумот хабар кўринишида берилиб, ўз вақтида жойлаштирилмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, 2014 йил декабрь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси нодавлат нотижорат ташкилотлари III Миллий форумини ёритиш жараёнида кўпгина босма ОАВ ва интернет-сайтлари асосан ахборот жанрлари қўллаб, улар тавсифий характерга эга. Бунга “Халқ сўзи”<sup>29</sup>, “XXI аср”<sup>30</sup> газеталари,

<sup>29</sup> [xs.uz/index.php/.../3248-nadavlat\\_notijorot\\_tashkilotlar](http://xs.uz/index.php/.../3248-nadavlat_notijorot_tashkilotlar)



“Туркистон пресс”<sup>31</sup> ахборот агентлигида, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг [nimfogo.uz](http://nimfogo.uz) сайтида “Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари III Миллий форуми” деб номланган бир хил сарлавҳа остида берилган хабар ва ҳисоботларни мисол қилиб келтириш мумкин. Уларнинг барчаси билан танишган ўқувчи журналистлар анжуманда тарқатилган матбуот релизидан деярли айнан кўчирганлигини гувоҳи бўлади. Бундай катта анжуман ўз навбатида журналистлар учун кенг имконият майдони бўлиши, унда қатнашган фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кенг таҳлил қилган ҳолда ёритиб бериш мумкин эди. Миллий форумнинг ҳудудий босқичлари<sup>32</sup> ҳақида ҳам асосан расмий сайтларда хабарлар берилиб, улар ҳисобот учун ёзилганлиги яққол кўриниб турибди.

Аммо фуқаролик институти фаолияти билан боғлиқ масалаларни сифатли ёритиш борасидаги ижобий мисоллар ҳам мавжуд. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий базаси, мазкур соҳада янги қабул қилинаётган қонунлар асосан [senat.uz](http://senat.uz), [fundngo.uz](http://fundngo.uz), [parliament.gov.uz](http://parliament.gov.uz) сайтларида кўпроқ ёритилади. Бунга Д.Сиддиқов ва С. Ортиқова томонидан тайёрланган “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда парламентнинг роли”<sup>33</sup>, “Инсон манфаатлари ва ислоҳотлар”<sup>34</sup>, Г.Жабборованинг “Ижтимоий шериклик”<sup>35</sup>, Ж.Шарофбоевнинг “Учинчи сектор: имконият ва натижа”<sup>36</sup> каби материаллари мисол бўла олади. Айрим ҳолатларда таҳлилий материаллар ҳам учраб туради, аммо уларнинг сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Булар асосан мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига бағишланган. Масалан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг расмий сайтида берилган А.Саидовнинг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш миллий тизими: Ўзбекистон тажрибаси”<sup>37</sup> мақоласи, “Халқ сўзи” мухбири З.Худойшукуровнинг “Фуқаролик жамияти институтлари мамлакатимизда

---

<sup>30</sup> <http://21asr.uz/islo-ot/nntlarning-iii-millii-forumi.html>

<sup>31</sup> [www.turkistonpress.uz/article](http://www.turkistonpress.uz/article)

<sup>32</sup> Э.Турсунов. Миллий форум. <http://qoraqalpoq.adliya.uz/qoraqalpoq/uz/news/detail.php?ID=13511>

<sup>33</sup> [senat.uz](http://senat.uz) . 12.07.2013

<sup>34</sup> <http://www.parliament.gov.uz/uz/analytics/13780>

<sup>35</sup> <http://ngo.uz/index.php?newsid=4037>

<sup>36</sup> “Ишонч” газетаси, 2012, №24

<sup>37</sup> <http://insonhuquqlari.uz/uz/library/proverb/307/>

амалга оширилаётган ислохотларда тобора фаол иштирок этмоқда”<sup>38</sup> ҳамда М.Тиллабаевнинг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари”<sup>39</sup> мақолалари ёрқин мисол бўла олади. Аммо уларнинг аксарияти журналистларнинг материаллари бўлмай, мутахассислар томонидан тайёрланганлигини қайд этиш лозим.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциациясининг <http://nannouz.ru> нинг расмий сайтини янада такомиллаштириш ва янгилаш зарур, чунки у ўз атрофига 8 мингдан зиёд ННТни тўплаган ушбу ассоциация аҳолини ва ОАВ ходимларини бугунги “учинчи сектор” соҳасида олиб борилаётган ўзгаришлар ва ислохотлар хусусида биринчи бўлиб ва атрофлича хабардор этиши, журналистлар ва ОАВлар учун манба бўлиб хизмат қилиши лозим эди.

Бугунги кунда ОАВ давлат ва учинчи сектор ўртасидаги боғловчи вазифасини бажариши керак. Журналистлар тезкорлик билан ННТ ҳақида зарур ахборотни олишлари учун нодавлат нотижорат ташкилотлари интернетда ўз саҳифаларини юритишлари ва уларни мунтазам равишда янгилаб туришлари ҳаётий заруратдир.

## **2-БОБ. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЁРИТИШДА ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ**

### **2.1. ННТ фаолиятини ёритишда журналистга қўйиладиган талаблар**

ННТнинг ахборий стратегияси кўп ҳолатларда уларнинг фаолияти ОАВда қай даражада ёритилаётганлиги билан белгиланади. ННТ фаолиятини мунтазам ёритиб бориш учун журналист нима қилиши зарур? Агарда ННТнинг ахборот хизмати бўлмаса ва аксарият ҳолатда ташкилотда атиги 2 ёки 3 нафар ходим ишласа қаердан зарур маълумотларни олиш керак? Афсуски, аксарият ННТ ногиронлар ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар билан ишлашса ўзларининг фаолиятлари хусусида ҳамма билади, деб ўйлашади. Аммо бу фикр нотўғри. ОАВда ёритилмаганлиги натижасида бундай хайрли ишлар кенг жамоатчилик эътиборидан четда қолади.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг ўзига хос қонун-қоидалари, талаблари бор. Аввало, таъкидлаш жоизки, журналистика назариясининг умумий

<sup>38</sup> <http://xs.uz/index.php> 2014. 20.02

<sup>39</sup> <http://namangan.adliya.uz/namangan/uz/publikatsii/detail.php?ID=190>



конуниятлари ва етакчи тамойиллари мазкур соҳага ҳам тааллуқли. Шу билан бирга “учинчи сектор”ни ёритадиган журналистлар қуйидаги энг муҳим талабларни билишлари жуда зарур:

*ННТ фаолиятини ўзида акс эттирган журналистик материалнинг композицион тузилиши аниқлик ва оддийликка асосланиши керак;*

*Мазкур соҳадаги ҳар қандай журналистик материалнинг асосий объектини муайян воқелик, яъни бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса, вазият, жараёнлар ташкил этиши лозим;*

*ННТ ҳақида тайёрланган ҳар қандай материалга журналистик асар сифатида ёндашиши мақсадга мувофиқ;*

*журналистиканинг олтин қондаси – нима, қачон, қаерда, деган саволларга жавоб бериши муҳим.*

### **Журналист сурати**

Энг асосийси, “учинчи сектор” фаолиятини ёритишда журналистлар фуқаролик жамиятининг норматив-ҳуқуқий базасини яхши билишлари, улар билан боғлиқ мавзуларда аниқ факт ва далилларга асосланишлари билан бирга, ННТнинг йўналишлари, амалга ошираётган лойиҳалари, маҳаллий ва хорижий ҳамкорларига албатта, эътибор беришлари керак. Аксарият ҳолатда ННТ фаолиятини ёритишга қўл урган журналист турли мавзуларда материал тайёрлаб, бир йўналишга ихтисослашмаган бўлади. Шунинг учун ҳам журналистлар аввало:

- **фуқаролик жамияти институтлари фаолияти тўғрисидаги материаллар миллий ўзлигимизга мослигига, миллатимиз ва давлатчилигимиз тарихига оид маълумотларнинг бузилмаслиги ёки бузиб талқин этилмаслигига;**

- **журналистик материалда миллий, маданий ва диний қадриятларимизнинг камситилмаслиги ёки бошқа миллатларнинг маданий меросидан устун қўйилмаслигига;**

- **теледастурлар, эшиттириш ва мақолалар кенг омманинг маънавий ва маърифий жиҳатдан юксалиши учун хизмат қила олишига, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатмаслиги масаласига эътибор қаратишига;**

- **“учинчи сектор” соҳасига оид материаллар мутахассис ёрдамида, профессионал тарзда тайёрланишига;**

- **мамлакатимиз аҳолисининг барча қатламлари (кам таъминланганлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож, одам савдоси ва уйдаги зўравонлик қурбонлари, болалар)нинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қарашлари ҳурмат қилинишига;**

- **ногиронлар, болалар ва бошқа ҳимояга муҳтож қатламлар билан суҳбатда ахлоқий меъёрларга таяниб иш кўришга эътибор беришлари лозим.**

*!Ҳар қандай соҳа фаолларининг амалий ишларини етарли даражада ёритиб бериш – журналистнинг ана шу соҳанинг ўрни ва аҳамиятини тасвирлашига хизмат қилади. Айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолларининг хайрли ишлари ҳақида томошабин ва ўқувчиларга батафсил ва кенг маълумот бериб борилганлиги мақсадга мувофиқдир.*

### **Шунингдек, журналист қуйидаги тамойилларга риоя этиши лозим:**

- ҳақиқатгўйлик ва адолатпарварлик;
- холис бўлиш;
- ёритилаётган воқеа ва одамларга нисбатан мустақил бўлиш;
- давлатдаги сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маданий жараёнлардан вофиқ бўлиш;
- очиклик;
- турли хил жанрларни қўллаш;
- материалларни қизиқарли ва ёрқин узатиш/бериш;
- ҳуқуқий саводхонликка эга бўлиш.

### **Журналистнинг 10 та олтин қондаси:**

- қонун устиворлигига риоя этиш
- аниқ воқеликни баён этиш
- ҳужжатлар билан самарали ишлаш
- мантиқий мушоҳада
- интервьюнинг турларидан самарали фойдаланиш
- воқеалар ривожини кузатиб бориш ва баён этиш
- тил маданиятига, юридик атамаларга эътибор
- янги талқинларни яратиш
- оқибатларга нисбатан бетарафлик
- вақт билан собитқадам бўлиш!<sup>40</sup>

## **2.2. Оммавий ахборот воситаларида ННТ фаолиятини ёритиш амалиёти**

### **Оммавий ахборот воситалари томонидан ННТ фаолиятини ёритиш орқали шакллантирган стереотиплари**

Стереотип бирор бир қарашга, нарсага бўлган барқарорлашган тушунча бўлиб, инсон унга бўлган муносабатни ўз тажрибаси орқали шакллантирмайди. Унинг тарихига назар ташлар эканмиз, ОАВда стереотип тушунчаси америкалик журналист Уолтер Липпман томонидан 1922 йили “Жамоатчилик фикри” асарида илк мартаба қўлланилиб, у стереотипга “инсоннинг шахсий тажрибасидан келиб чиқмаган, олдиндан қабул қилинган тасаввур”<sup>41</sup> дея таъриф берган. У.Липпманнинг фикрига кўра стереотиплар бошқаларнинг фикрини текширмай, қабул қилиш орқали вужудга келади.

<sup>40</sup> Власть стереотипов. <http://psyfactor.org/lib/stereotype.htm>

<sup>41</sup> Уолтер Липпман. “Общественное мнение”. М.: 1922 г. С.25

Аммо улар абадий эмас. Жамият ривожланган ва ОАВ ўз йўналишини ўзгартирган сари улар йўқолиши мумкин. Маълумки, стереотип инсон руҳияти билан боғлиқ нарса. У ОАВ, атрофдаги одамлар томонидан сингдирилган тушунча бўлиб, мутахассисларнинг фикрича,<sup>42</sup> стереотип шаклланиши уч босқичга эга:

- ◆ «барқарорлаштириш» (leveling) – образни шакллантириш
- ◆ «кучайтириш» (sparring) – образни мустаҳкамлаш,
- ◆ «ассимиляция» (assimilation) – кўникиш ва шундайлигича қабул қилиш.

Ушбу босқичларнинг кетма-кетликда амалга ошишини ННТ мисолида ҳам кўриш мумкин. ННТ фаолияти борасидаги стереотипларнинг салбий томони, аввало ННТ ҳақида бир ёклама фикрга эга бўлиш, мавзуни чуқур ўрганмаслик ва ўз ҳолича қабул қилиш, нотўғри тасаввурнинг шаклланиши ва ННТ фаолиятини нотўғри баҳолашда намоён бўлади. Нодавлат ташкилотларининг мақсадли аудиторияси бўлган болалар, хотин-қизлар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига нисбатан қўлланиладиган ижтимоий стереотиплар уларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари таҳлил этилганда<sup>43</sup>, аксарият ҳолатларда уларда ННТ фаолиятини ёритишда бир қанча стереотиплар аниқланиб, қуйида уларни кўриб ўтамиз.

### Журналис сурати

**1-стереотип. ННТ фойда ҳам зарар ҳам келтирмайди ва кўпчилик уларнинг фаолияти ҳақида билмайди<sup>44</sup>.** Маълумки, алоҳида олинган бир ҳудудда фаолият кўрсатадиган ННТ ҳақида фақатгина уларнинг мақсадли гуруҳигина билиши мумкин. ОАВда уларнинг фаолияти кенг ёритилмаслиги, асосан ахборот жанрида берилиши натижасида кенг жамоатчиликда нодавлат нотижорат ташкилоти нима, у нима иш билан шуғулланиши, ННТ томонидан амалга оширилаётган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларда ижтимоий шериклик мавжудлиги, балки мазкур ташкилот жамиятнинг бирор бир соҳасида жамоат назоратини амалга ошираётганлиги хусусида хаттоки тасаввур ҳам йўқ. ННТнинг ўз ишларини тарғиб қила олмасликлари, жамоатчилик билан алоқалари яхши йўлга қўйилмаганлиги юқорида қайд этилган стереотипнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

### **2-стереотип. Улар фақатгина ўз аъзоларига ёрдам кўрсатишади.**

Баъзи бир ўз фаолиятига ҳолис ёндошмаган ННТ раҳбарлари ва ходимларининг лойиҳа асосида амалга ошираётган ишларида ижтимоий кўмакни асосан оила аъзолари, яқинлари ва дўстларига беришлари натижасида шаклланган стереотип.

### Фото ННТ

<sup>42</sup> Т. Стефаненко. Основные свойства социальных стереотипов. <http://www.krugosvet.ru>

<sup>43</sup> “Хуррият”, “Халқ сўзи” – “Народное слово”, “Ўзбекистон овози”, “Правда Востока”, “Тошкент оқшоми”, “Туркистон”, “Моҳият”, “Маърифат”, “Оила ва жамият”, “Даракчи” газеталари, “Туркистон пресс”, “ЎЗА”нинг 2013, 2014 йиллар давомида чоп этилган материалларининг таҳлили натижалари. 2015 й. январь

<sup>44</sup> Ўша ерда

**3-стереотип. Улар фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишади.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарорига мувофиқ, Олий Мажлис ҳузурида ташкил этилган ННТ ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг грантларини олиш учун ННТ томонидан тақдим этилаётган лойиҳаларнинг аксарияти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ўстиришга қаратилган. Жойларда мазкур лойиҳалар юзасидан амалга оширилаётган тадбирларнинг маҳаллий ОАВ томонидан қисқача ёритилиши ушбу стереотипнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

**4-стереотип. ННТ фақат муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этадилар**

ННТ ҳудудий, ўша ернинг аҳолиси учун долзарб муаммоларни маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликда ҳал қилиши натижасида юзага келган стереотип. Масалан, 2013 йил Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 600 киши истиқомат қиладиган “Исломобод” маҳалласига туман “Сувоқова” ташкилоти, ЮСАИД халқаро ташкилоти, вилоят экоҳаракати ҳамкорлигида ичимлик суви ўтказилди. Йиллар давомида ичимлик суви муаммо бўлиб турган ҳудудда ҳамкорликда амалга оширилган хайрли иш аҳоли ўртасида ушбу стереотипнинг шаклланишига сабаб бўлди.

**5-стереотип. ННТ ҳимояга муҳтож ижтимоий қатламни ҳимоя қилишади.**

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг асосий мақсадли гуруҳлари айнан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами бўлганлиги сабабли ҳам ташкилот йўналишидан келиб чиққан ҳолда лойиҳаларнинг аксарияти шу йўналишда амалга оширилади. ННТ ҳақидаги таҳлилий материалларнинг камлиги эса ўз навбатида фуқароларда бир ёқлама қарашларнинг пайдо бўлишига олиб келади

**6-стереотип. ННТ фақатгина даромад олиш учун лойиҳалар тақдим этадилар.**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи қоидаларига асосан:

- ташкилот муассисларининг кириш бадалларидан;
- аъзолик бадалларидан (аъзоликка асосланган ташкилотлар учун);
- фуқаролар ва юридик шахслар пул кўринишида ёки натурал шаклда тақдим этувчи, шу жумладан мақсадли хусусиятга эга бўлган (грантлар) хайр-эҳсонлардан;
- нореализацион операциялардан, шу жумладан қимматли қоғозлардан олинган даромадлардан;

- ресурсларни жалб этиш (мутасаддилар ва кўнгиллиларни жалб этиш кампанияларини ўтказиш, шу жумладан кўнгилочар, маданий, спорт ва бошқа оммавий тадбирларни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ хайр-эҳсонлар йиғиш кампаниялари, лотереялар ва аукционлар ўтказиш ва ҳ.к.) фаолиятдан келган тушумлардан;

- қонун билан рухсат этилган тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромадлардан;

- республика бюджети, маҳаллий бюджетлар ва бюджетдан ташқари фондлардан келган тушумлардан;

- нотижорат ташкилоти томонидан таъсис этилган хўжалик жамиятлари фаолиятдан олинган даромадлардан;

- кўнгиллилар меҳнатидан;

- қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалардан шакллантириши мумкин.

Аммо уларнинг лойиҳаларини амалга ошириш учун қўшимча маблағ донорларнинг гранти ҳисобига эканганлиги сабабли мазкур стереотип шаклланган.

Юқорида санаб ўтилган стереотипларни бузиш албатта журналистлар кўлида. ННТ фаолияти қанчалик ранг-баранг жанрларда, кенг таҳлил асосида аҳоли эътиборига ҳавола этилса, нотўғри қарашларнинг вужудга келишининг шунча олди олинади

### **2.3. Ахборот манбалари билан ишлаш тамойиллари**


Нодавлат нотижорат ташкилотларининг журналистлар, фуқаролар, давлат хизматчилари, тадбиркорлар ва тижорат соҳаси вакиллари билан ўзаро муносабатлари – ННТ фаолиятининг муваффақияти

ёки муваффақиятсизлигини белгилаб берувчи асосий жиҳатлардир. Буни ННТ раҳбари яхши тушуниши лозим. Аммо амалда ундай бўлмасачи? Унда журналистнинг ўзи ННТ фаолиятини кенг ёритиш учун “жиловни” кўлга олиши лозим.

*Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари жамият манфаатларига тааллуқли воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига хабар бериши шарт.*

*Ўзбекистон Республикаси “Ахборот эркинлиги тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида”ги 439-И-сонли Қонунининг 8-моддаси 2-қисми (12.12.2002 й).*

### **1-чизма. ННТ фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари**



“Учинчи сектор” соҳасига оид мавзуларни ёритишда журналист манбалар билан ишлаш тамойилларига амал қилиши зарур. Унга биноан:

- ҳар доим манбанинг очиқ ва ошқора гапиришига ҳаракат қилиш;
- манба билан ахборотни етказиш шартларини аниқ келишиб олиш;
- ҳеч қачон манбаларни ошқор этмаслик;
- ахборот манбаларига танқидий ёндашиш;
- манбаларда ўзига ишонч уйғота олиш ва уларни авайлаш керак бўлади.

Ахборот манбалари билан ишлашда халқаро журналистика амалиётида қўлланиладиган иборалар мавжуд бўлиб, бундан ННТ фаолиятини ёритадиган журналистлар ҳам хабардор бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

- **Off the record** (чоп этиш учун эмас). Бу АҚШда кенг тарқалган, Швецияда эса умуман қўлланилмайдиган атамадир. Америка журналистикасида “чоп этиш учун эмас” ёки “протоколдан ташқари” тушунчаси расман белгилаб қўйилган ва аниқ мақомга эга.

- **On the record** (чоп этиш учун) – суҳбатдош (манба) томонидан айтилган ҳамма гаплар унинг исми шарифи ва лавозимини тўлиқ ёки қисман кўрсатган ҳолда берилиши мумкин.


- **Background** (фон) – манбасини аниқлаштирамай ҳам фойдаланиш мумкин бўлган ахборот. Суҳбатдош журналистдан мақолада ўзининг исми шарифи, лавозими ва ўзи вакили бўлган ташкилот номи кўрсатилмаслигини талаб қилиши мумкин<sup>45</sup>.

ННТ журналистларга нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим. ОАВ ходими томонидан

<sup>45</sup> Н.Қосимова., Н.Тошпўлатова. Ўзбекистон ОАВда болалар мавзусини ёритишнинг назарий ва амалий асослари. Т.: 2014

ахборотни олиш қонунчилик ҳужжатлари ва тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади<sup>46</sup>.


**2-чизма. ННТнинг ахборотни тақдим этиши бўйича давлат органлари ва журналистлар билан ўзаро муносабатлари модели**



**! ОАВ ходимларининг оғзаки ва ёзма мурожаатлари ва уларни кўриб чиқиш натижалари рўйхатдан ўтказилиши керак. Бунда ОАВ вакиллари мурожаатлари қуйидаги ахборотни ўз ичига олиши шарт:**  
 ОАВ вакилининг Ф.И.Ш; таҳририят номи; мурожаатнинг ёки сўров моҳиятининг баёни. Мазкур маълумотлар йўқ бўлган мурожаатлар аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

ОАВ вакилларининг сўровларини олиш ва ишлаш ННТнинг жамоатчилик билан қайта алоқа ўрнатишининг механизмини ташкил этади. Мазкур сўровлар бўйича ННТнинг жавоби таҳририятнинг истаги ёки уларга афзаллигидан келиб чиққан ҳолда ҳам ёзма, ҳам оғзаки бўлиши мумкин. ННТ ахборотни расмий жавоб хатлари кўринишда тақдим этиши мумкин. Оғзаки тарздаги жавоб шаклларига бевосита ННТнинг ваколатли вакиллари иштирокидаги учрашув ва тадбирлар, телефон, веб-форумларда ёзма шаклда саволлар ёки фикрлар орқали бериладиган жавобларини киритиш мумкин.

**3-чизма. ННТнинг ахборотни тақдим этиши бўйича сўровлар**



**Манба:** “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8,9-моддалари

**4-чизма. ННТнинг ахборотни тақдим этиши бўйича сўровлар**

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикаси “Ахборотни олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги 401-И-сонли Қонунининг 7-моддаси (24.04.1997 й.).

## Сўровларни кўриб чиқиш тартиби



**Манба:** “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 16-моддаси.

ННТ ходимлари ўз фаолиятида ахборот турлари, яъни, аудио-, электрон ва матнли ахборотлардан ўринли фойдаланиш орқали ишида янада юқори самарадорликка эришишлари мумкин. ННТ ходимлари ташаббуси билан тайёрланган, соддалаштирилган кўринишдаги график (жадваллар, фотосуратлар) матнли, рақамли (статистик маълумот) ахборотни ўз ичига олган мақолалар, ТВда чиқишлар ва радиоэшиттиришлар орқали шу вилоятда у ёки бу сектор ривожланганлиги ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Бундай чиқишлар, “жонли мулоқот”лар, маҳаллий телевидение ва радио орқали берилган интервьюлар фуқаролик жамияти институтларига нисбатан аҳолининг ижобий фикрини шакллантириши ва мустаҳкамлаши мумкин.

ННТ ходимлари ва журналистлар томонидан ННТ фаолияти тўғрисида тарқатиладиган барча ахборотлар **халис, долзарб ва ишончли** бўлиши лозим.

### Ахборотнинг холислиги

**Холис ахборот** – аниқ бир субъект тўғрисида турли фикр-мулоҳазаларни ўз ичига олган ва журналист фикрига боғлиқ бўлмаган ахборотдир.

Масалан, [horazmakm.zn.uz](http://horazmakm.zn.uz) сайтида эълон қилинган “Одам савдоси – глобал хавф”<sup>47</sup> деб номланган хабар.

### *Одам савдоси – глобал хавф*

*Хоразм АКМда Одам савдосига қарши кураиши чора-тадбирларини кучайтириши мақсадида “Одам савдоси – глобал хавф” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ахборот-кутубхона маркази директори Р.С.Қурбонов Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одам савдосига қарши кураишининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-911-сонли қарори ҳамда Хоразм вилоят хокимлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди. Урганч шаҳар прокуратураси ходими*

<sup>47</sup> Одам савдоси – глобал хавф. [horazmakm.zn.uz](http://horazmakm.zn.uz)



*И.Эшчанов, Саломатлик ва тиббий статистика институти шифокори Н.Назарова, Нотижорат нодавлат ташилот “Истиқболли авлод” аёллар маърифат маркази директори С.Маткаримовалар ҳам одам савдоси ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири эканлиги ҳақида гапирдилар. “Истиқболли авлод” маркази директори С.Маткаримова одам савдосининг олдини олиши мақсадида буклетлар, плакатлар чиқариб, ҳар хил тадбирлар, учрашувлар уюштириб ташивоқот ишлари билан шуғулланаётганликларини айтди. “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилоят бўлими Кенгаши раис ўринбосари Р.Давлетова тадбирда қатнашаётган талабаларга “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати қошида бепул қандолатчилик, ошпазчилик, сартарошлик, тикувчилик тўғараклари ташикил қилинганлиги, ўқишни тугатиб, иш топа олмай юрган ёшларга ўз уйида ҳам пул топиши имкониятлари жуда кўплигини айтди.*

**Ахборотнинг долзарблиги.** Жамиятдаги шу куннинг долзарб муаммоларига қаратилган ахборотдир. <http://ngo.uz> сайтидан олинган хабар бугунги кунда ННТ ҳамкорлигида коллеж битирувчиларини мустақил ҳаётга тайёрлаш бўйича ўтказилган семинар хусусида хабар беради.

#### ***Бизнес лойиҳалар қўллаб-қувватланмоқда***

*Избоскан тумани Енгил саноат касб-ҳунар коллежи ҳамда Педагогика ижтимоий коллежи мажлислар залида “Ҳамроҳ” ННТ томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги “Нодавлат нотижорат ташилотлари ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш” жамоат фонди томонидан молиялаштирилган “Энг яхши бизнес гоя” лойиҳаси доирасида семинар-тренинг ташикил этилди.*

*Семинар доирасида коллежнинг 3-курс битирувчилари учун “Тадбиркорлик асослари”, “Маркетинг асослари”, “Менежмент асослари”, “Бизнес режа ёзиши” мавзуларида билим ва кўникмалар берилди. Семинар сўнгида туман Микрокредитбанк вакиллари иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар ва бизнес режаларни амалга ошириши бўйича уларга тегишли тавсияларни кўрсатдилар. Семинар доирасида таълим олган 30 нафар талабалар ўзларининг бизнес режалари лойиҳаларини ишлаб чиқдилар.*

**Ахборотнинг ишончлилиги.** Агар ахборот вазиятнинг асл ҳолатини акс эттирса, у ишончлидир. Бундай ахборот объектив ҳам, субъектив ҳам бўлиши мумкин.

#### ***Ижтимоий шериклик***

*Жорий йилнинг 24 июль куни Нодавлат нотижорат ташилотлари Миллий ассоциацияси Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлиги, Ўзбекистон Ногирон тадбиркор аёллар Миллий ассоциацияси, Тошкент шаҳар “Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар” жамоат бирлашмаси билан ҳамкорликда “Ижтимоий ҳамкорлик: ННТнинг оилавий бизнесни ривожлантиришидаги ўрни ва роли” мавзусида “давра суҳбати” ташикил этди.*



			шахс					
	“Истиқбол ли авлод”	А.Б.В.	Н.Каримов а	00000 0	name @ mail.u z	Мамла- кат/вило ят/шаҳа р/кўча	1.Одам савдосини нг олдини олиш борасида амалга оширилаёт ган ишлар 2._____	2015 йил 1- чорак  2015 йил 3- чорак
	“Қалб нури”	А.Б.В.	Н.Алимова	00000 0	name @ mail.u z	Мамла- кат/вило ят/шаҳа р/кўча	1.Туман хотин- қизларини нг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича лойиҳалар	2015 йил 26- январ 2- чорак

ННТнинг тузилмаси, йўналишлари, амалга оширилаётган лойиҳалар, ходимлари (*раҳбардан лойиҳага жалб этилган мутахассислар*) тўғрисида ахборотни ўз ичига олган нодавлат нотижорат ташкилоти рўйхати, манзиллар, телефон рақамлари ҳамда электрон почта манзилларига эга бўлиш жуда муҳим.

*! ННТ ходими билан ўрнатилган мустаҳкам алоқа фуқаролик жамияти институтлари тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида олиш ва тўлиқ бериш имконини яратади.*

Очиғини айтиш жоиз, баъзи таҳририят ходимлари ташкилотдан ахборот олишда кимга мурожаат қилишни билишмайди. Тўғридан-тўғри ташкилотнинг биринчи раҳбари қабулига кириб борадиганлар ҳам топилади. Демак, ННТнинг бевосита ОАВ ходимлари билан ишлайдиган масъул ходими ёки унинг матбуот хизмати билан ҳамкорлик қилишдан ОАВ ходимлари ҳам манфаатдор эканлиги сир эмас. ННТдан ахборот олишнинг асосий усулларига телефон орқали суҳбатлар, учрашувлар, интервью, ННТ тадбири учун тайёрланган медиа-кит материаллари ва матбуот анжуманини киритиш мумкин.

*!ННТ мутасаддилари ўз ташкилотларининг фаолияти билан боглиқ қонунлар, турли ҳужжатлар, иш жараёни, атамалар, факт ва рақамлардан яхши хабардор экан, зарур ахборотни ҳар тарафлама аниқ ва пухта тайёрлаш имконига эга. Демак, улар ўтказиладиган анжуманлар, тадбирларнинг қичқача мазмуни акс этган пресс-релизлар тайёрлаб, анжуман олдидан ОАВ вакилларига тарқатишлари, ҳатто интернетдаги тегишли e-mail ва веб-сайтлари орқали ёритишлари зарур.*

Шуни айтиш жоизки, ҳар қандай журналист ҳам ННТда ахборот олишда муайян қийинчиликка дуч келиши табиий. Бундан ташқари шу соҳага оид атамалар, иборалар, ҳужжатларнинг номларини ёзишда чалкашиб кетиши мумкин. Бирор анжуман ҳақида ёзганда “қун тартиби”, мавзулар, нотик исми шарифи, лавозимини аниқ кўрсатиши зарур. Бунинг учун ННТ томонидан ўтказиладиган матбуот анжуманларига қатнашиш, у ерда матбуот релизларидан ташқари ННТ фаолиятини тўлиқроқ очиб берадиган саволларига жавоб олиш муҳимдир.

### **Матбуот анжуманида қатнашишга тайёрланиш**

**Матбуот анжумани** – ОАВ орқали кенг жамоатчиликка ўз фаолияти ҳақида ахборот беришга мўлжалланган тадбир. Уни ўтказиш ННТ учун муҳимдир.

Матбуот анжумани бу нафақат ННТ фаолияти тўғрисида ахборот бериш имконияти, балки журналистлар билан шахсий мулоқот ўтказиш имконияти ҳамдир. Журналистларга матбуот анжуманида берилган ахборот бўйича ОАВда чоп этилган материаллар матбуот анжумани тўғри ташкил этилганлигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Матбуот анжуманидан етарлича маълумот олиш учун унга яхшилаб тайёргарлик кўриш муҳим аҳамиятга эга. Матбуот анжуманига тайёргарлик кўриш ва ундан кейин материални ОАВда чоп этиш учун бир неча қадамлардан иборат тайёргарлик ишларини амалга оширинг.

**Биринчи қадам.** ННТдан электрон почтангиз ёки телефон орқали олинган хабардаги матбуот анжумани йўналишини яна бир карра ННТ ходимидан аниқлаштириб олинг.

**Иккинчи қадам.** Йўналиш бўйича ҳудудда амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги маълумотлар тўплашга ҳаракат қилинг.

**Учинчи қадам.** Матбуот анжуманида бериш учун ННТ ҳақидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда олдиндан саволларни тайёрлаш зарур. Саволлар “очик” бўлиб, аниқ ва лўнда бўлиши, журналистнинг чиқишига айланмаслиги керак.

**! “Ҳа” ёки “йўқ” жавобларни ўз ичига олмай, суҳбатдошини муфассал жавоб беришга ундовчи саволлар туркумига айтилади**

Саволларни матбуот анжуманида ўз исм-шарифингиз ва нашрингизни айтган ҳолда бериш лозим. Берилган саволга қониқарли жавоб ололмасангиз, матбуот анжумани тугагач, ташкилотчиларга мурожаат этинг.

### **Тўртинчи қадам. Пресс-релиздан тўғри фойдаланиш**

Пресс-релиз мақола, репортаж ёки бошқа журналистик материалнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Тўғри тузилган пресс-релиз фактлар, исмлар, ташкилотлар номи, статистика маълумотларининг бузиб кўрсатилмаслиги, энг муҳими ахборотнинг ҳаққоний ва одоб билан етказилиши гаровидир<sup>48</sup>. Журналист ННТ ходимидан матбуот релизини олгач, яна бир карра ННТга кўнғироқ қилиб унда кўрсатилган исм–фамилиялар, фактларни текшириб

<sup>48</sup> Н.Қосимова ва бошқалар. Жамоатчилик билан самарали мулоқот. Т., 2013 й. Б.78

олиши зарур. Пресс-релизни тўлиқ кўчириб босиш ва унинг тагига ўз фамилиянгизни қўйиш плагиатдир. Ундаги фактлардан самарали фойдаланиб, муаллифлик журналистик материални тайёрлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

*!Агар веб-сайтнинг ўзи бор-у, унда зарур маълумотлар бўлмаса, у ҳолда ННТ ўзига қарши нотўғри ахборот тарқалишига имкон бериб қўяди. ННТ қанчалик кўп ахборот тарқатса, улар ҳақида ўзгалар “гап тўқишига” ҳожат бўлмайди. Ҳаққоний ахборотлар бўхтон ва уйдирма гапларга ўрин қолдирмайди.*

Журналистнинг ННТ вакили ёки раҳбари билан шахсан учрашуви унинг фаолияти хусусида тўлақонли материал тайёрлаш имконини беради.

**Пресс-релиз материали керакли ОАВда чоп этилиши учун у қуйидаги қоидаларга<sup>49</sup> мос тарзда тузилгани маъқул:**

1) пресс-релиздаги ахборот у юборилаётган нашр мухлислари учун қизиқарли ва керакли бўлиши керак;

2) ахборот ҳозирги кун учун долзарб бўлиши керак;

3) ахборот ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши ва ўқувчи, радиотингловчи ҳамда телетомошабинлар учун қизиқарли бўлиши керак;

4) пресс-релизда таниқли раҳбар ёки мутахассисларнинг ушбу масала юзасидан фикр-мулоҳазалари акс эттирилган бўлса, нур устига аъло нур бўлади.

**Ташкилот бирон янгилик ёки ахборотни ўз ичига олмаган пресс-релиз тарқатадиган бўлса, унинг янгилик манбаи сифатидаги обрўсига путур етади<sup>50</sup>.**

**ННТ билан ҳамкорлик қилиш учун ташаббус журналистдан чиқиши керакми?**

Албатта. Биргаликда ташкил этиладиган турли хил акциялар, масалан, гиёҳвандликка, ОИТСга қарши кураш, табиат муҳофазаси ва бошқа йўналишлар бўйича тадбирларда қатнашган журналист ННТ фаолияти ҳақида чуқурроқ тасаввурга эга бўлади, унинг мақсадли аудиторияси билан яқиндан танишади, жонли репортаж ташкил этиш, интервьюлар олиш имкони яратилади. Бундан ташқари айни пайтда ННТнинг мақсадли аудиторияси вакиллари аксарият ҳолатларда дуч келадиган муаммоларни биргаликда ҳал қилиш яхши самара беради. Бунинг учун ННТ раҳбари кўрқмасдан журналистлардан ёрдам сўраши мумкин. Масалан, шаҳарда жисмоний имконияти чекланганларнинг эркин ҳаракатини таъминлаб берувчи пандусларнинг йўқлиги, ННТ ижарада турган бинодан уларнинг асоссиз чиқиб кетишлари ҳақидаги талаблар, жисмоний жиҳатдан камчилиги

<sup>49</sup> Игнатъев Д., Бекетов А. Настольная энциклопедия Public Relations. – М.: “Альпина Паблишер”, 2004 г. – с. 496.

<sup>50</sup> Н.Қосимова ва бошқалар. Жамоатчилик билан самарали мулоқот. Ахборот хизмати ходимлари учун қўлланма. Т., 2013й., Б.80

мавжуд болани умумий ўрта мактабга қабул қилинмаётганлиги ва ҳоказоларни ҳамкорликда ечиш ва ҳоказо.

**Маслаҳат.** Журналистларнинг ННТ билан ҳамкорлик ўрнатиши чоғида унда атиги 1 ой кўнгилли бўлиб ишлаши яхшигина журналист суриштирувининг яратилишига асос бўлиб хизмат қилади. Шу соҳага ихтисослашмоқчимисиз, бундай имкониятни қўлдан бой берманг.

## **ОАВда кампаниялар ўтказиш**

ОАВда ўтказилган кампания ижтимоий-маркетинг технологиядир. У мақсадли аудиторияга оммавий ахборот воситалари орқали таъсир кўрсатишни ўз ичига олади. Асосан аҳоли эътиборини у ёки бу масалага қаратиш учун ўтказилади. Албатта кампанияни ўтказиш ташаббуси ННТ раҳбаридан чиқиши лозим. Аммо ННТ фаолиятига эътибор қаратиш учун уни мазкур нодавлат нотижорат ташкилоти билан ҳамкорлик қилаётган журналист ҳам ташкил этса бўлади. Хўш, бунинг учун нима қилиш керак?

### **Биринчи қадам. Аввало ҳолатни ўрганамиз<sup>51</sup>.**

Аудиторияни қайси масала кўпроқ қизиқтиради? Ушбу масалада инсонларнинг онгини қай тарзда ўстириш мумкин? Аниқ бир йўналиш, масалан аҳолида экологик маданиятни шакллантириш, одамларни ахлатни қутиларга ташлаш, сигарета қолдиқлари, писта пўчоқларини ерга ташламасликлари учун қандай акция ўтказиш мумкин? Ўйлаб кўринг ва ННТ раҳбари билан ҳамкорликда унинг режасини ишлаб чиқинг.

### **Иккинчи қадам. Мақсадни аниқ қўямиз ва мақбул усулни қидирамиз**

Мақсадли гуруҳни аниқлаб оламиз. Акция неча ёшдагилар учун мўлжалланган? Акция орқали сиз нимага эришмоқчисиз? Ўйлаб кўринг. Шунинг учун аввало ОАВда аудиторияга қаратилган **баёнот матнини** ишлаб чиқинг. Матнда акцияни амалга ошириш усуллари ҳам ўйлаб кўринг. Аксарият ҳолатларда зарарли одатларни бартараф этиш учун курашда ташкилотчилар “одамларни кўрқитиш”ни афзал кўрадилар. Масалан, “1 грамм никотин отни ўлдиради!”. Аммо биз от эмасмиз ва йиллаб чекадиган одамлар ёшлар кўз олдида одатий ҳаётларини давом эттирадилар. Шунинг учун ҳам акцияни ўтказиш усуллари позитив, шу билан биргаликда тарбиявий аҳамиятга эга, мазкур соҳада билимни оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Масалан, *“Шаҳримиз тозалиги –бизнинг юзимиз!”*

*Чиқинди учун ахлат қутилари бор! Меҳмонлар олдида уялиб қолмайлик!*

<sup>51</sup> Анализ взаимодействия СМИ и НКО. <http://www.wildfield.ru/dom/smi002.htm>

20-30 апрель кунлари “А.А.А” ННТ ва “Б.Б.Б.” газетаси, шаҳар ҳокимияти билан ҳамкорликда “Шаҳримиз тозалиги –бизнинг юзимиз!” мавзусида акция ўтказилади. Асосий мақсад – ёшларда экологик маданиятни шакллантиришдан иборат. 10 кун давомида шаҳримизнинг ААА ва БББ ҳудудларида волонтерларимиз қизиқарли викторина саволлари ва ўйинлар орқали сизнинг шаҳар тозалигига муносабатингиз ва экология борасидаги билимларингизни аниқлашади. Тозаликка ўз ҳиссангизни қўшинг. Ғолибларни совгалар кутмоқда.

Албатта кампанияни ўтказишдан олдин, шаҳар ҳокимияти билан ҳамкорликда тилга олинган ҳудудлар чиқинди қутилари билан таъминланганлик даражасини текшириб кўриш лозим. Агарда шаҳарда бирорта ҳам ахлат қутиси бўлмаса, одамлар ахлатни қаерга ташлайди, деган савол сизни биринчи галда ўйлантириши лозим.

### **Учинчи қадам. Материалларни жойлаштирамиз<sup>52</sup>.**

Баёнотни тарқатишнинг бир неча йўллари танлаган маъқул. Бу маҳаллий газета, радио, телеканал, интернетдаги ижтимоий тармоқлар, блоглар, ҳудуддаги транспортлар ва ҳоказо. Энг асосийси, акция борасида тайёрланган ролик ёки реклама ижтимоий бўлиб, “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг 16- моддасига мувофиқ ОАВда бепул жойлаштирилиши лозим. Албатта бунинг учун маҳаллий ҳокимият ахборот хизмати билан ҳамкорликда ишлаш лозим.

#### **16-модда. Ижтимоий рекламали ахборот**

Ижтимоий рекламали ахборот соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, энергия ресурсларини сақлаб қолиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, маънавият ва маърифат масалаларига доир, шунингдек нотижорат йўсиндаги бошқа ахборотдир.

Шахсларнинг ижтимоий рекламали ахборотни текинга тайёрлаш ва тарқатишга доир фаолияти, ўз мол-мулкни (шу жумладан пул маблағларини) ижтимоий рекламали ахборот тайёрлаш ва тарқатиш учун бошқа шахсларга бериши хайрия фаолияти деб эътироф этилади. Бунда улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёزلардан фойдаланадилар.

Реклама тарқатувчилар реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг 5 фоизидан кам бўлмаган ҳажмда ижтимоий рекламали ахборотни жойлаштириши шарт. Бунда фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштирилган реклама тарқатувчилар ижтимоий рекламали ахборотни бепул жойлаштиради.

<sup>52</sup> Анализ взаимодействия СМИ и НКО. <http://www.wildfield.ru/dom/smi002.htm>

*Тўртинчи қадам. Акция натижаларини ОАВда ёритиб борамиз.*

Албатта, бу борада мунтазам бўлиш яхши самара беради. 10 кун давомида ўтказилган акцияни турли хил жанрларда ва ракурсларда камида 2 мартаба ёритиш, интернет форумларда қатнашчилар фикрини билиш муваффақият гаровидир. Албатта, журналист бундай форумларда модераторликни ўз зиммасига олиши лозим.

#### **2.4. ННТ фаолиятини ёритишда қўл келадиган жанрлар**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритишда албатта ахборот жанрлари билан биргаликда таҳлилий жанрлардан ҳам самарали фойдаланиш зарур.

#### **Хабар ва янгилик<sup>53</sup>**

Журналистиканинг тезкор ахборот манбаи бўлган бу тури инсонни қисқа вақт ичида воқеа-ҳодисалардан хабардор қилади ва жуда ҳам катта ахборот оқими ичидан кераклисини танлаб олишга ёрдам беради. Янгилик сифатида биз ўқувчилар аудиториясига маълум бўлмаган воқеликни тушунамиз. Аммо ҳар қандай янгилик ҳам ўқувчини қизиқтира оладими? Бу нарса унинг долзарблилиги билан боғлиқ. Долзарб ахборот аудиториянинг эътиборини тортади, унда қизиқиш уйғотади. Аммо далиллар ҳам худудий бўлиши мумкин. Кичик бир жойда содир бўлган воқеа кўпинча ўша ерлик аҳолини қизиқтиради. Аммо айрим ҳолларда шундай воқеа умуммиллий муаммони ўзида акс этгирса, бутун бир мамлакатда унга бўлган қизиқиш уйғонади.

Долзарб ахборот излаган журналист, аввало, хабар ва янгиликни бир-биридан фарқлай олмоғи лозим. **Янгилик** - бу бошқаларга нотаниш янги маълумот бўлса, хабар – маълум нарса хусусидаги янги ахборотдир.

**Хабар**, асосан “нима? қаерда? қачон?” каби саволларга жавоб бериб, унда асосий далиллар биринчи ўринда туради. Кўп ҳолатда янгилик ва хабарлар 10-20 қатордан ошмай, икки ёки учта жумладан ташкил топади, холос. Муаллиф воқеа ва ходисага изоҳ бермайди, аксинча, уни қисқа ва лўнда шаклда ўқувчига етказди.

Халқаро амалиётда янгилик ва хабарнинг қуйидаги хусусиятларига эътибор қаратилади:

- фақат далилларни бериш;
- деталлар қўплигига эътибор қаратиш;
- шахсий фикрнинг йўқлиги;
- мавзунинг долзарблиги;
- асосий воқеанинг биринчи ўринга қўйилиши.

Айнан шу усул “тўнтарилган эҳром” деб номланади.

<sup>53</sup> Н.Қосимова ва бошқалар. Босма ОАВ таҳририятлари учун қўлланма. Т.:2008. Б.



Оддий хабар ёки янгилик ҳам аудитория эътиборини жалб қиладиган сарлавҳа, “қармоқ” вазифасини ўтовчи жумла ёки хатбоши остида берилса, маълумотнинг қиймати бир неча баробарга ошади<sup>54</sup>.

### **Репортаж<sup>55</sup>**

Лотин тилидан олинган «reportare» сўзи «узатмоқ», «хабар бермоқ» деган маъноларни англатади. **Репортаж** — журналистиканинг муҳим жанрларидан бири ҳисобланиб, содир бўлган муайян воқеа, ҳодиса, вазият, жараённинг бевосита журналист иштироки ва кузатуви орқали тасвирлаб бериш, оммани шу воқеликдан кенгроқ хабардор қилишдир.

**Репортажнинг предмети** — содир бўлган воқеа-ҳодиса.

**Репортажнинг асосий хусусияти** воқеа, ҳодиса, жараён, вазиятни репортёрнинг шахсан иштирокида аниқлик, ҳужжатлилиқ, воқеликни қандай бўлса, шундайлигича ёритилиши билан белгиланади.

**Репортажнинг методлари** информацион жанрларга тааллуқли (маълумотларни йиғиш, кузатиш, фактларни қиёслаш, анализ, саволлар бериш, қисқа диалог, иштирокчилар гувоҳлигида содир бўлган воқеа ривожини баён қилиш каби) барча усуллар киради. Бу усулларнинг ичида кузатиш услуби етакчилик қиладди.

Репортажда муаллиф иштироки муҳим эмас, деган фикрдан қочиш керак. Муаллиф иштироки воқеанинг ишончли ва таъсирчан чиқишини таъминлайди.

### **Интервью<sup>56</sup>**

**Интервью** ННТ раҳбари ёки вакили билан шахсан мулоқотга киришиш усулларида биридир. Интервью суҳбатдошларнинг ўзаро бир - бирини зарур ахборот билан таъминлаб, ижтимоий тажрибага эга бўлиш имконини беради. Журналист интервьюдан олдин пухта тайёргарлик кўриши керак.

#### **Интервьюга қандай тайёргарлик кўрилади?**

Интервью ахборот жанрларининг энг асосийларидан бири бўлиб, у ўқувчига ахборотни илк манбадан бевосита олиш имконини беради. Интервьюнинг асосий мақсади — нафақат бирор бир воқеани ёритиш, балки ана шу воқеа хусусида муайян шахсларнинг фикрини ҳам беришдир. Мазкур жанр турларининг барчасида икки ёки ундан ортиқ одам ўзаро мулоқотда бўлади ва шу орқали воқелик тўлдирилиб, керакли далилларга аниқлик киритилади.

#### **Интервью олаётган журналист**

Яхши интервьюни уюштира билиш ҳақиқий санъатдир. Чунки респондент(суҳбатдош)нинг кайфиятига журналистнинг савол оҳанги, хатти-ҳаракатлари таъсир қилиши мумкин. Интервью олишда бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси жанр самарадорлигини таъминлайди.

**Суҳбат самарадорлигини таъминлаш учун интервью давомида респондентнинг руҳий ҳолати ва ҳаракатларига эътибор беринг<sup>57</sup>.**

<sup>54</sup> Ж.А.Кримски. Репортаж, материалларнинг ёзилиши ва таҳрир қилиниши асослари. Т., 2003 й., 21 бет.

<sup>55</sup> Н.Қосимова ва бошқалар. Босма ОАВ таҳририятлари учун қўлланма. Т.:2008. Б.

<sup>56</sup> Н.Қосимова ва бошқалар. Босма ОАВ таҳририятлари учун қўлланма. Т.:2008. Б. 22

<b>Респондент ҳаракатлари</b>	<b>Бу нимани англатади?</b>
Қўллар чўнтакда	Бошқаришни яхши кўради
Қўллар кўкрак устида чалиштирилган	Сир бой беришни ёқтирмайди
Қўллар кўкрак устида мушт қилиб тугилган	Эгоист, ахборот беришни ёмон кўради
Қўллар белда	Эҳтиёткор
Қўллари стол устида	Худбин
Кафтларига таянади	“Мени эшит”
Тирсаклар стол устида	Сичқон-мушук ўйнашни хуш кўради
Кафтларини қашлайди	Кимнидир, ниманидир кутади
Кафтларини силайди	Сухбатдошдан яхшилик кутади
Кафтларини артади	Асабий
Сухбат чоғида майда-чуйда нарсаларни теради	Сухбатдан қониқиш ҳосил қилмаганини кўрсатади
Қўллар стол устида, гавда олдинда	“Тезроқ тугатайлик”
Бармоқлар бир-бирига чалиштирилган	Ҳурмат кутади
Бармоқлари билан столни чертади	Шошиляпти
Сухбат давомида қўллар ҳаракатда	Сухбатни бошқаришга ҳаракат қилади
Боши билан қўлига таянади	Сухбатни давом эттирмоқчи эмас
Қўллари бошининг орқасида	“Мен ҳаммасини биламан”
Қўллари чўнтакда, боши пастга эгилган	Ҳорғинлик аломати
Қўллар орқада, боши бир тарафга эгилган	Сабрсизлик аломати
Ҳар бир гапдан сўнг қўли билан оғзини беркитади	Ёлғон гапираяпти
Тез-тез қулоқларини ушлайди	Сухбатдошининг гапини бўлишга ҳаракат қилади
Тез-тез кўзларини ишқалайди	Ўзига нисбатан ишончсизлик
Энгагига таянади	Ўйламоқда
Сухбатдош кўзига тик боқмайди	Айбдорлик ҳисси мавжуд
Пастга қарайди	Бу билан у саволга “йўқ” дея жавоб бермоқчи

Пастга қараб, жилмаяди	Розилик аломати
Оёқлар чалиштирилган	Ҳимояда
Оёқлар чалиштирилган, аммо ҳаракатда	“Ҳаммаси жонга тегди”
Кўзойнак бандини тишлайди	Саволларга жавоб бермоқчи эмас

### **Интервьюга қўйиладиган талаблар<sup>58</sup>**

Албатта, суҳбат чоғида респондентнинг ўзини қандай тута билиши ҳам муҳим, чунки интервью олаётган шахс ҳам ўзини унга монанд тутади. Аммо бу жараёнда журналистнинг респондентга берадиган саволларини қай тарзда ва оҳангда бериши муҳим аҳамиятга эга.

Агар журналист саволларни илтимос оҳангида берса, суҳбатдоши унинг саволларини осонгина рад қилиши мумкин. Журналист суҳбатдошига ўзининг шошилаётган ёки асабийлашаётганлигини сира билдирмаслиги лозим. Суҳбат илиқ оҳангда олиб борилгани маъкул.

Яхши интервью олиниши учун саволлар изчиллиги биринчи ўринда туради. Агар журналист савол беришни танқиддан бошласа, суҳбатдоши мулоқот давомида ўта хушёрликни қўлдан бермайди.

Интервьюга қўйиладиган асосий талаблардан бири, журналист суҳбатдоши фаолият кўрсатадиган соҳа ҳақида етарли маълумотга эга бўлиши лозим. Жолэ Кримски самарали интервью олиш учун журналист қуйидагиларга эътибор қаратишини маслаҳат беради<sup>59</sup>:

#### **Интервьюгача...**

- саволлар кетма-кетлиги рўйхатини тузинг;
- берилиши мумкин бўлган жавоблар ва уларга ўзингизнинг қандай муносабатда бўлишингиз ҳақида ўйланг.

#### **Интервью пайтида...**

- ўзингизни таништинг ва интервьюдан кўзланган мақсад ҳақида тушунча беринг;
- атрофдаги ҳолатни ўрганинг (сизнинг кузатишларингиз суҳбатни бошлаш учун асос бўлиши мумкин);
- интервью берувчига ўзини эркин сезишига имкон беринг, уни чалғитманг;
- агар диктофондан фойдаланмоқчи бўлсангиз, буни ундан яширманг;
- респондент билан қайси ахборот “матбуот учун” ва қайси ахборот “матбуот учун эмас”лиги ҳақида олдиндан келишиб олинг;
- “ха” ёки “йўқ” жавоблари билан қутилиб бўлмайдиган саволларни беринг;

<sup>58</sup> Н.Қосимова, Н.Тошпўлатова ва бошқалар. Босма ОАВ таҳририятлари учун ўқув қўлланма. Т., 2008. Б.22

<sup>59</sup> Ж.А.Кримски. Репортаж, материалларнинг ёзилиши ва таҳрир қилиниши асослари. Т.: 2003 й., Б.49

- жавобларни диққат билан эшитинг, бутун диққат-эйтиборингизни кейинги саволни ўрганишга сарфламанг;
- гарчанд интервью тасмага ёзиб олинаётган бўлса-да, муҳим ахборотни дафтарчангизга қайд этиб боринг;
- оғир ва нозик саволларни суҳбат охирида беринг;
- ўзингизнинг билимдонлигингизни намойиш қилманг ва таниқли шахслар билан танишлигингиз борасида мақтанманг. Бу интервью берувчиларнинг аксариятининг кўнглини ғаш қилади.

### **Интервьюни тугатаётиб...**

- энг муҳим далилларни респондентдан қайта сўраб, яна бир бор текширинг;
- “Мавзуга алоқадор яна қандай фикрларингиз бор?” мазмунидаги саволни суҳбат охирида респондентга беришни унутманг;
- алоқа қилиш мумкин бўлган телефон рақамларини бир-бирингиздан олганингизга ишонч ҳосил қилинг.

Юқорида санаб ўтилган қоидаларнинг бажарилишида бир ноқулайлик бор, яъни журналист ҳамisha ҳам респондентдан уларга риоя этилишини талаб қила олмайди. Интервью олишдан олдин респондентнинг суҳбатлашишга рози бўлиши учун муайян чекинишларга борган бўлишингиз эҳтимол. Кўпинча, журналист розилик олиш мақсадида респондентнинг интервьюни чоп этилишидан олдин бир кўриб бериш истагига рози бўлади. Бундай вазиятларда журналист топқирлигини намоеън этиши ва интервью пайтида олдин келишилган шартларни юмшатишга ҳаракат қилиши лозим.

## **Таҳлилий жанрлар<sup>60</sup>**

### **Корреспонденция**

Корреспонденция хабарнинг кенгайтирилган шакли бўлиб, у “нима, қаерда, қачон, нима учун, нега?” сингари саволларга жавоб беради ва ўзида таҳлил элементларини мужассамлаштиради. Жанрнинг асосий хусусиятлари куйидагилар:

- далилларни куруқ ва оддий баён қилиш чегарасидан чиқилади;
- далилларга асосланган ҳолда фикрлашга йўналиш беради;
- воқеа ва ҳодисалар ҳақида кенгрок хабар беради;
- фактлар манбалар асосида журналист фикр-мулоҳазалари билан уйғунлаштирилади;
- таҳлил фақат далилларга таянади;
- қисман қарама-қарши фикрлар берилиши мумкин.

### **Корреспонденцияга хос белгилар:**

<sup>60</sup> Н.Қосимова, Н.Тошпўлатова ва бошқалар. Босма ОАВ таҳририятлари учун ўқув қўлланма. Т.: 2008. Б.

- вақтнинг муҳимлиги, яъни воқеа-ҳодиса қачон, қаерда бўлганини биринчи ёки иккинчи хатбошидаёқ айтиб ўтиш керак;
- баён учинчи шахс тилидан берилиши мумкин;
- жумла ва хатбошилар қисқа бўлади;
- одатда бир хатбошида битта тушунча берилади;
- ҳар бир гапда кўпи билан 25 та сўз ишлатилади (кириш қисм, яъни лидда 20 тадан ошмагани маъқул);
- вақт ва саналар аниқ кўрсатилиши шарт (“бир ҳафта илгари” эмас, айнан “25 август куни” деб кўрсатиш лозим);
- энг муҳим далиллар корреспонденциянинг бошида, иккинчи даражалилари эса охирида баён этилади<sup>61</sup>.

### Мақола

Бугунги тезкор асрда ўқувчида катта ҳажмдаги мақола ёки интервьюни ўқиб чиқиш учун вақт бўлмайди. Улар асосан мақоланинг **лиди**-кириш қисмигагина кўз югуртиришади ва агар қизиқиб қолсалар, уни охиригача ўқиб чиқишга вақт ажратишлари мумкин.

#### Мақоланинг тузилиши

Лид - мақоланинг кириш қисмидир.

Лид:

- мақоланинг энг асосий “янгилиги”ни биринчи планга олиб чиқиш;
- воқеа-ҳодисанинг резюмеси, яъни қисқача асосини баён қилиш;
- ўқувчи мақоланинг нима ҳақда эканини дарҳол тушиниб етиши учун аниқ ва қисқа жумлаларда бериш;
- муштарийнинг диққат-эътиборини дарҳол жалб этиш керак.

#### Мақолага қўйиладиган талаблар

1. Мақоланинг матни бир мавзунини ўзида тўла акс эттирмоғи лозим.
2. Ҳар бир абзац бир-бири билан мантиқий боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдирмоғи керак.
3. Узун иқтибослар, қайтариқлардан қочиш, фикрларнинг мантиқий изчиллигини таъминлаш зарур.
4. Мақоланинг умумий тузилиши бир чизиқда кетиши шарт эмас (резюмелардан ҳам фойдаланиш мумкин).
5. Мақола хронологик тартибда ёзилиши ёки бошқа бирор бир мантиққа асосланиши мумкин.
6. Халқаро журналистика меъёрларига кўра мақола учинчи шахс номидан ҳам ёзилиши мумкин.
7. Муаллифнинг шахси материалда акс этмаслиги ҳам мумкин, лекин кўпгина ҳолатларда бунинг акси бўлади. Аслида биринчи шахс номидан журналист ўзи бевосита иштирок этган воқеа, ҳодиса хусусида мақола тайёрлайди.

<sup>61</sup> Ж.А.Кримски. Репортаж, материалларнинг ёзилиши ва таҳрир қилиниши асослари. Т., 2003 й., 82-бет

## **Мақола лиди ва матнини тайёрлашдан олдин ўзингизга бир нечта савол беринг:**

1. Лид мақоланинг асосий ғоясини очиб бера олаётими?
2. У муаллифнинг фикрини ифода эта оладими?
3. Лидни қисқартириш мумкинми?
4. Лид аниқ, равшан ёзилганми? Уни нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам ўқиб тушуниш мумкинми?
5. Лид халқаро аудиториянинг эътиборини торта оладими?
6. Ўзингиз худди ана шундай лидли мақолани ўқиган бўлармидингиз?
7. Сизнинг мақолангизда асосий мавзу борми?
8. Келтирилаётган иқтибослар мақола мазмунини тўлдириб, моҳиятининг тўлиқ очилишини таъминлайдими?
9. Мавзуга унчалик мос келмайдиган далилларни қандай қилиб мақолага киритиш мумкин ёки уларни ишлатмаган маъқулми?

### **Хулосага қўйиладиган талаблар:**

- Одатда янгилик киритилмайди.
- Мавзунинг долзарблиги нимадан иборатлиги яна бир бор ўқувчига эслатиб ўтилади.
- Муштарийга мавзу “тугаганлиги”ни идрок этиш имкони берилади.
- Ўқувчи ёдида қоладиган образ ёки фикрга урғу берилади.

Албатта, юқорида номи тилга олинган жанрлар интернет макони учун ҳам тааллуқли бўлиб, фақат унда қисқаликка эътибор бериш ва интернетнинг техник имкониятлари – турли хил визуал кўрсаткичлар, линклар, ҳаволалардан самарали фойдаланиш зарур. Интернет маконининг асосий хусусияти унинг чексизлиги бўлиб, ННТ фаолияти ва у ўтказётган тадбирлар ҳақидаги видео ва фотосуратлардан самарали фойдаланиш имконини беради.

### **Фотосуратлардан фойдаланиш сирлари<sup>62</sup>**

Мақола ва фотосурат ҳамоҳанглиги ахборотнинг тўлақонлигини таъминлаши сир эмас. Демак, нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини ёритаётганда материалга жонли фотосуратларни илова қилиш муҳим аҳамият касб этади.

**Фотосурат** - журналистиканинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, асосан тасвир орқали баён қилиш, воқеликни хронологик тарзда акс эттириш билан ифодаланади. Мақолага қўйиладиган фотосуратга объектив ёндашув муҳим ўрин тутаяди. Чунки бу суратлар содир бўлган бирор аниқ ҳодисани ўзида акс эттиради.

---

<sup>62</sup> Н.Қосимова ва бошқалар. Жамоатчилик билан самарали мулоқот. Ахборот хизмати ходимлари учун қўлланма. Т.:2013. Б.

ННТ ҳақидаги журналистик материал билан бериладиган фотосуратга кўйиладиган талаблар қуйидагича:

- Сайтда фотосурат матн мазмунини тўлдиради.
- У кўпроқ ахборот бериш учун қўлланилади.
- Фотосурат кўпроқ жонли ва эътиборни ўзига тортадиган бўлиши керак.

Портрет фотолардан фойдаланиш самаралироқдир. Аммо бу суратлар йиғилишдаги маърузачининг характерини очиб бериши керак. Фотосуратларни кўпроқ бериш мақсадга мувофиқдир.

**Хўш, фотосуратга қаерда олиш мумкин, қаерда мумкин эмас?**

**1. Фотосуратга олиш қачон шак-шубҳасиз ман этилган:**

- маҳфий объектлар рўйхатида киритилган объектларда;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ёпиқ мажлисларида;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ёпиқ мажлисларида;
- турли инстанциядаги судларнинг ёпиқ мажлисларида, банклар ва бошқа тижорат тузилмаларида;
- хусусий биноларда, хусусий ҳовлиларда ва ҳудудларда.

**2. Қачон суратга олиш учун рухсат олиш зарур:**

- ҳар қандай судларнинг суд мажлисида суратга олиш мазкур иш бўйича суд раисининг рухсати билан амалга оширилади;
- маданий қадриятлар сақланадиган объектларда, яъни музейлар, фондлар, архивларда, агар бошқа шарт белгиланган бўлмаса.
- *Ёдингизда бўлсин! Вояга етмаганларнинг фотосуратларини фақат ота-онаси ёки васийларнинг рухсати билан жойлаштириш мумкин*

**3. Фотосуратга олиш учун қачон рухсат талаб этилмайди:**

Жамоат жойларида:

- давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудларида (ташқарида ва ичкарида);
- очик суд мажлисларида;
- кўча ва хиёбонларда;
- истироҳат боғларида;
- давлат ва тармоқ муассасаларида, шунингдек, савдо марказларида ва бошқа барча объектларда (махкумлар ушлаб туриладиган жойлардан ташқари):
- юқорида кўрсатиб ўтилган объектларда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни ёритишда

**4. Қуйидагиларга ҳалақит бермаса суратга олиш ман этилмайди:**

- матбуот учун уюштирилган тадбирларда (агар ташкилотчилар буни ҳеч бўлмаса оғзаки тарзда ман этмасалар);
- ҳудудда (фотосуратчи ўзи шу ҳудуд ичида бўлса).

Юқорида айтиб ўтилган объектларнинг барчасида, агар рухсат олиш кераклигига ишора қиладиган белги, ёзув ва огоҳлантириш бўлмаса,

шунингдек, мулк эгаси (унинг вакили, қоровул) эътироз билдирмаса, эркин тарзад фотосуратга олиш мумкин.

**5. Жамоат жойларида одамларни суратга олиш тақиқланмайди:**

- матбуот анжуманларида;
- ўз хизмат вазифасини бажараётган ички ишлар, ёнгин хавфсизлиги, шифокор ва қутқарув хизмати ходимларини;
- намойиш, норозилик чиқишлари иштирокчилари ва бу тадбирларда сўзга чиққанларни;
- ҳалокат ва тўқнашув иштирокчиларини;
- юқорида санаб айтиб ўтилган ҳолатларни суратга олаётганда кадрга тасодифан тушиб қолган одамларни (агар бундай одамларни суратга олиш шахсий мақсадга қаратилган бўлса);
- агар одамлар эътироз билдирмаса (қўл билан яширинмаса ёки бошқа тарзда норозилик билдирмаса).

**Ёдингизда бўлсин! Вояга етмаганларнинг фотосуратларини фақат онаси ёки васийларнинг рухсати билан жойлаштириш мумкин.**

***Ижтимоий тармоқларда журналист томонидан ННТ ҳақида хабар беришнинг 5 та усули***

ННТ раҳбари журналист ёрдамида ёки ўзининг ахборот хизмати ходимлари томонидан ижтимоий тармоқларда ташкилот фаолиятини кенг тарғиб этиши мумкин. Бунинг учун бир неча амалларни бажариш кифоя. Аввало:

- 1.** Қайси мавзу бўйича ижтимоий тармоқда гуруҳ шакллантиришни ўйлаб кўринг;
- 2.** Лойиҳангиз қатнашчиларининг бошқа одамлар билан алоқада бўлишлари учун профилларини яратининг. Бу шахсий маслаҳатлар бериш учун зарур.
- 3.** Гуруҳ саҳифасида ННТ фаолияти ва йўналишига оид зарур ва қизиқарли ахборот билан қанчалик кўп тўлдирилса, шунча кўп одам унга аъзо бўлиши мумкин. Интернетда бутун жаҳонда бошқа инсонлар ва ташкилотлар ҳамкорликда турли хил муаммоларни қандай қилиб ҳал қилишлари тўғрисидаги воқеаларни топиб, гуруҳ саҳифасида эълон қилинг. Журналистнинг вазифаси гуруҳ аъзоларини эзгу мақсад йўлида бирлаштириш ва мавжуд масалаларни ҳал этиш<sup>63</sup>.
- 4.** Гуруҳ саҳифасига материалларни мунтазам равишда жойлаштириб, хабарларни янгилаб боринг, фойдали ҳаволаларни беринг. Мунозаралар уюштиринг ва айни пайти ННТ нима билан шуғулланаётгани ҳақида хабар бериб боринг. Қайта алоқа гуруҳ “тирик” эканлигидан хабар беради<sup>64</sup>.

***! Ижтимоий тармоқлар билан ишлаш формуласи:  
мақсад + эътиборни тортиш + аудиторияни жалб этиш = натижа***

<sup>63</sup> Как социальные сети и СМИ могут помочь продвижению НКО проектов? <http://victoriacf.ru/7381>  
<sup>64</sup> Социальные сети от А до Я // <http://www.social-networking.ru> (10.10.12)



Албатта ижтимоий тармоқларда ННТ фаолиятини турли усулларда ёритиш яхши самара беради. Ўз материалингизга сиз сурат билан биргаликда видео ролик ҳам қўйишингиз мумкин.

**! Эътибор қилинг: фотосурат билан қўйилган материаллар оддий матндан кўра 2-3 мартаба, видео билан биргаликда қўйилган матн эса 4-5 мартаба кўпроқ ўқилади.**

**Масалаҳат:** Қўйилган материаллар кўпроқ ўқилиши учун сизнинг дўстларингиз ёки ННТ ходимлари унга “like” қўйиб, тагига кичкина шарҳ ёзиб қўйишсин. Шунда фойдаланувчиларда контент “долзарб” деган фикр пайдо бўлади ва у билан танишишга ҳаракат қилади.

**!ННТнинг сайти ёки гуруҳ саҳифасини машхур ижтимоий тармоқлар “facebook”, “twitter”, “Одноклассники”, «ВКонтакте» билан боғланг. Шунда у ерга ННТ фаолияти ҳақида қўйилаётган материалларни ўқиш сони ортади.**

5. Ижтимоий тармоқдаги ННТ саҳифаси орқали турли хил танловлар ўтказинг. Бу энг яхши шарҳ, ННТ фаолияти ҳақидаги энг яхши фотосурат, энг фаол фойдаланувчи танлови ва ҳоказо бўлиши мумкин. Агарда танлов шартларидан бири фойдаланувчи ўз саҳифасида сизнинг гуруҳингизга ҳавола бериши бўлса, амин бўлингки қисқа муддат ичида сизнинг гуруҳ саҳифангизни бир неча минг одам кўради. Балки шу орқали сиз ННТ амалга оширмакчи бўлган лойиҳа учун потенциал донорни ҳам топарсиз.

### **Ижтимоий тармоқлар, блоглар ёки сайтга видео жойлаштириш шартлари<sup>65</sup>**

Сайтда ёки ижтимоий тармоқда фойдаланиш мумкин бўлган файл форматлари ва уларни қўйиш бўйича чекловлар:

**Тасвирлар.** Файл формати: JPG, GIF, PNG. Файл ҳажми: кўпи билан 95кб 640x480. Тасвир ҳажми кўпи билан 8196x8196. Қўйилаётганда видеотасвир автоматик тарзда flv-форматга конвертация бўлади (видео-кодек h264, аудио-кодек faac).

**Flash-роликлар.** Файл формати: SWF. Файл ҳажми: кўпи билан 10Мб.

**Аудиофайллар.** Файл формати: MP3. Файл ҳажми: кўпи билан 5Мб. Аудио-, видео- ва flash-роликларни намойиш этиш учун браузерингизда 9 версиядан паст бўлмаган Flash Player ўрнатилган бўлиши керак.

**! Конвертация қилиш биров вақтни олади, масалан: 5 дақиқадан бир неча соатгача, бу видеотасвир параметрларига (файл формати, кадр ҳажми, видеотасвирнинг давом этиш вақти ва ҳоказо) боғлиқ. Агар Сиз видеони flv форматда қўйсангиз ва унинг ҳажми 800x800 дан паст бўлса, видео конвертациясиз (яъни, борича) сайтга қўйилади, тизим фақат файлнинг бутунлигини текширади, холос.**

<sup>65</sup> Н.Қосимова ва бошқалар. Жамоатчилик билан самарали мулоқот. Ахборот хизмати ходимлари учун қўлланма. Т.:2013. Б.

## 2.5. Нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини ёритишда ахлоқ кодексларига амал қилиш

### *ННТ фаолиятини ёритишда журналист:*

- ННТ фаолиятини фақат ҳолис ва ҳаққоний ёритиши лозим.
- ННТ ҳақида факт йиғиш жараёнида ахборотни ёлғон йўллар, қўрқитиш ва таъмагирлик билан олмаслиги керак;
  - материалнинг қаҳрамони имконияти чекланган (жисмоний камчилиги бўлган) одам бўлса, унинг ногиронлигини тилга олмаслиги, камситмаслиги, уларни соғлом фуқаролар билан қиёсламаслиги, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг ҳаёт тарзини танқид остига олмаслиги зарур;
  - ННТ ҳақида нотўғри ахборот тарқатилганда ўзи фаолият юритадиган ОАВ орқали дарҳол расмий раддия бериши керак;
  - интервью пайтида суҳбатдошига босим ўтказмаслиги ва яширин ҳолда диктофон ва бошқа ёзув қурилмасидан фойдаланмаслиги зарур;
  - фақатгина ишончли ахборот манбаларидан олинган маълумотларни чоп этиши керак;
  - ахборот кампанияларини фуқаролар ва ташкилотлар дискредитацияси мақсадида ўтказиш тақиқланади;
  - агар узатилаётган хабардаги фактлар аниқ бўлмаса, телетомошабин ёки радиотингловчи янгиликни икки ёки уч томонлама тушуниши мумкин;
  - миш-мишларга йўл қўймаслиги зарур.
- Аксарият ННТларнинг мақсадли гуруҳи бўлган жисмоний камчилиги мавжуд мақсадли гуруҳлар билан материал тайёрлаш ва улардан интервью олишда журналист нималарга эътибор бериши лозим? Албатта турли тоифадаги жисмоний камчилиги мавжуд фуқаролар билан ишлаш, уларнинг ҳаётини яхшилаш, мазкур инсонларнинг жамиятга интеграциясини таъминлашда ОАВнинг роли катта ва кўп ҳолатлар бу журналист маҳоратидан далолат беради.

### **Жисмоний камчилиги мавжуд инсонларни ёритишда журналист куйидаги ахлоқий қоидаларга риоя этиши лозим<sup>66</sup>:**

- жисмоний камчилиги мавжуд одамлар билан суҳбатни бошлашдан олдин ногиронлар аравадада ўтирган инсон билан бир даражада бўлиш учун унинг қаршисига ёки ёнига ўтиринг;

**!Унутманг.** Ногиронлик аравачаси –дахлсиз ҳудуд. Унга суянманг, итарманг.

- ногирон инсон билан суҳбатлашиш учун унинг келишига қулай жой танланг;

<sup>66</sup> Ўз ННТМА қошидаги ногиронлик масалалари бўйича Маслаҳат Кенгашининг ногиронлиги мавжуд инсонлар образини электрон ОАВ ва кинофильмларда ёритиш бўйича тавсиялар. Ўзбекистон ногиронлар жамияти уюшмаси ахлоқ кодекси.

-суҳбатдан таъсирлансангиз ногиронлар аравачасида ўтирган инсонни елкасига қоқманг;

- жисмоний камчилиги мавжуд инсонларнинг кўриш ва эшитиш қобилияти, ақли ва руҳияти жойида эканлигини унутманг;

**!Унутманг.** Ногиронлар аравачасидан фойдаланиш фожеа эмас. Бу жисмоний камчилиги бор одамнинг эркин ҳаракатланишига ёрдам берувчи восита.

- ногирон одамлар билан суҳбатлашганда уларнинг ожизлигини таъкидловчи саволлар берманг;

**Маслаҳат:** ННТнинг мақсадли гуруҳи бўлган ногиронлар ҳақида журналистик материал тайёрлаганда унинг ногиронлигини ва уларга кўрсатилаётган ижтимоий ҳимояни эмас, балки биринчи ўринга ногирон инсоннинг шахсини қўйинг.

**Кўриш қобилияти ёмон ва кўзи ожизлар билан ишлайдиган ННТнинг мақсадли гуруҳ аъзолари билан мулоқотга киришишда журналистларга қўйиладиган талаблар<sup>67</sup>**

Кўзи ожиз инсонлар бир неча тоифага бўлиниб, баъзилари мутлақо кўрмаса, аксарият қисми оз бўлсада кўришади, нур ва сояни, предметлар шарпасини фарқлай олишади. Бундай инсонлар билан суҳбатлашиш чоғида уларнинг кўриш даражасини аниқлаб олиш лозим. Журналист интервью учун қулай жой қидирганда кўзи ожиз инсонлар ҳудудида уни амалга ошириши мақсадга мувофиқ. Чунки улар ўз уйлари ёки ишхоналари тузилишини яхши билишади ва ўзларини у ерда эркин ҳис қилишади.

Интервью чоғида суҳбатдошингиз бошқа жойга ўтмоқчи бўлса, унга ўз ёрданингизни таклиф этинг. Ёрдам бериш чоғида билагини ёки қўлини қаттиқ ушламанг, балки унинг ҳаракатини йўналтиринг, холос. Агарда сизнинг таклифингизни рад этишса, хафа бўлманг. Қисқача, қаерда жойлашганингизни тавсифлаб беринг. Масалан, “Сиздан олти қадам нарида чиқиш эшиги бор”, ёки “стол ва стул турибди”. Зинапоя, паст эшик кесакаси, қандайдир чилвирлар ва бошқа тўсиқлар бўлса, албатта огоҳлантиринг. Агарда кўзи ожиз одамнинг етакчи ити бўлса, унга тегинманг, бирор егулик, буйруқ берманг.

**Маслаҳат:** *Кўзи ожиз инсон билан соғ одам каби мулоқотда бўлинг!*

*Доимо суҳбат бошланиши олдидан ўзингизни тўлиқ таништиринг. Суҳбат сўнгида суҳбатдошингизнинг қўлини сиқиб, хайрлашмоқчи бўлсангиз, унга бу ҳақида айтинг.*

---

<sup>67</sup> Ўз ННТМА қошидаги ногиронлик масалалари бўйича Маслаҳат Кенгашининг ногиронлиги мавжуд инсонлар образини электрон ОАВ ва кинофильмларда ёритиш бўйича тавсиялар. Ўзбекистон ногиронлар жамияти уюшмаси ахлоқ кодекси.

Агарда сиз бир неча кўзи ожиз одамлар билан мулоқотда бўлсангиз, доимо кимга мурожаат қилсангиз, унинг номини айтиб мурожаат этинг. Агарда жойингизни ўзгартирган бўлсангиз, суҳбатдошингизни бундан хабардор қилинг.

“Кўрмоқ” сўзини қўллашдан кўрқманг. Кўзи ожиз инсон учун у пайпаслаб кўришни англатади.

Кўзи ожизлар ҳақида журналистик материал тайёрлаш жараёнида уларни камситманг. Суҳбатдошингиз ногиронлигини айтиб, тамға босманг. Унинг нуқсонини кўрсатиб, унда салбий реакцияни келтириб чиқарувчи тавсифдан қочинг.

### **Кар ёки қулоғи оғир эшитадиган инсонлар билан суҳбатлашишда журналист қўйидагиларга эътибор бериши лозим<sup>68</sup>:**

-кар ёки қулоғи оғир одамдан интервью олаётганингизда унга қараб, гапиришга ҳаракат қилинг. Юзингизни бирор предмет ва қўлларингиз билан тўсманг. Суҳбатдошингиз сизнинг юз ифодангиз ва лабларингиз кимирашига қараб сизни англашга ҳаракат қилишини унутманг;

-баъзи бир одамлар эшитсаларда, айрим оҳангларни нотўғри қабул қилишади. Шунинг учун суҳбат чоғида бир оз юқорироқ овоз билан савол беринг. Агарда суҳбатдошингиз бошқа томонга қараб турган бўлса ва сиз чақирганда эшитмаса, енгилгина елкасига қўлингизни текказинг. Аниқ ва текис гапиришга ҳаракат қилинг. Суҳбатдошингиз қулоғига бақирманг. Қўл ҳаракатларидан фаол фойдаланинг;

-сизни суҳбатдошингиз тушунган ёки тушунмаганлигини яна бир бор сўрашга уялманг;

-агарда сиз сўрамоқчи бўлган маълумот ўз ичига рақам ёки мураккаб терминни олса, сўз ёки рақамни ёзиб кўрсатинг.

***Маслаҳат:** Яхши эшитмайдиган одамлар билан алоҳида хонада учрашинг. Аксарият ҳолатларда кар одамлар имо-ишоралар ёрдамида суҳбатлашишади. Агарда сиз таржимон ёрдамида интервью олсангиз, саволни таржимонга эмас бевосита суҳбатдошингизга қараб беринг.*

### **Ривожланишда орқада қолган одамлар билан мулоқотда<sup>69</sup>:**

- ўзингизни устун тутманг. Фикрингизни аниқ баён этинг;

- саволларингизни аниқ, сўзларни тўғри талаффуз қилган ҳолда, шошилмай беринг. Суҳбат чоғида суҳбатдошингизни ўзингизга тенг кўринг;

- унинг ўзи, меҳнат фаолияти ҳақида савол берганингизда, ҳолати ҳақида сўраманг;

<sup>68</sup> Ўз ННТМА қошидаги ногиронлик масалалари бўйича Маслаҳат Кенгашининг ногиронлиги мавжуд инсонлар образини электрон ОАВ ва кинофильмларда ёритиш бўйича тавсиялар. Ўзбекистон ногиронлар жамияти уюшмаси ахлоқ кодекси.

<sup>69</sup> Ўз ННТМА қошидаги ногиронлик масалалари бўйича Маслаҳат Кенгашининг ногиронлиги мавжуд инсонлар образини электрон ОАВ ва кинофильмларда ёритиш бўйича тавсиялар. Ўзбекистон ногиронлар жамияти уюшмаси ахлоқ кодекси.

- интервью чоғида суҳбатни унинг қизиқишлари, атрофда содир- бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида фикрларини сўраш билан бошланг.

### **Руҳий муаммолари бўлган одамлар билан мулоқотда<sup>70</sup>:**

Руҳий бузилишлари бўлган инсонлар ривожланишда ортда қолган одамлардан фарқ қиладилар. Бундай одамлар ҳаётларини янада мураккаблаштирувчи ҳиссий парокандаликка мойил бўладилар. Уларнинг ҳаётга бўлган ўз муносабатлари мавжуд. Руҳий касалликка чалинган одамлар ҳақида нотўғри тасаввурлар шаклланган бўлиб, булар:

- руҳий касал одамлар кўшимча ёки махсус ёрдамга муҳтождирлар;
- улар зўравонликка мойил эмас. Агарда сиз ўзингизни сокин тутсангиз, ортиқча хатти-ҳаракат қилмасангиз ва қаттиқ гапирмасангиз, улар ҳам сизнинг саволларингизга тинчгина жавоб беришади;
- руҳий касал одамлар мунтазам равишда дори қабул қилмайдилар;
- улар бирор бир ҳужжатни имзолашга қодир эмас, деган стереотип нотўғридир;
- руҳий касал одамларнинг ақли бутун эмас, деган қараш тўғри эмас;
- улар маълум бир кўникма талаб қилмайдиган бир қатор ишларни бажаришлари мумкин;

***Масалаҳат:** Руҳий касал одамлар билан соғ одамлар каби мулоқотда бўлинг.*

### **Дудукланадиган ёки гапиришда муаммоси бор одамлар билан мулоқот<sup>71</sup>:**

- гапиришда муаммолари бор одамлар билан мулоқот қилишдан қочманг;
- уларнинг гапини охиригача эшитишга сабр қилинг;
- бундай одамларнинг гапини бўлманг ва гапини тўғриламам;
- гапингизни суҳбатдошингиз ўз фикрини яқунлагач, давом эттиринг;
- суҳбат чоғида суҳбатдошингизга қараб гапиринг;

### **! Унутманг. Гапиришда муаммоси бор одамларнинг ақли заиф эмас.**

- саволларни шакллантиришда уларга жавоблар қисқа бўлишини таъминланг.
- агарда суҳбатдошингиз гапини тушунмаган бўлсангиз, уни қайтаринг;
- суҳбатдошингиз ҳам фикрини тўлиқ айтиш ҳуқуқига эгадир;
- интервью бераётган одамни шошилтирманг;
- агарда суҳбатдошингизга гапириш қийин бўлса, жавобларини ёзиб беришини сўранг.

<sup>70</sup> Ўз ННТМА қошидаги ногиронлик масалалари бўйича Маслаҳат Кенгашининг ногиронлиги мавжуд инсонлар образини электрон ОАВ ва кинофильмларда ёритиш бўйича тавсиялар. Ўзбекистон ногиронлар жамияти уюшмаси ахлоқ кодекси.

<sup>71</sup> Ўша ерда

## Гиперкинез(спастика)си бор одамлар билан мулоқот<sup>72</sup>

**! Гиперкинез – тана ва қўл-оёқнинг беихтиёр қимирлаб кетиши. Бундай ихтиёрсиз хатти-ҳаракатлар орқа мияси шикастланган одамларда ҳам бўлиши мумкин.**

- Гиперкинези бор одамлар билан суҳбатда уларнинг ихтиёрсиз хатти-ҳаракатларига эътибор берманг;
- Агар уларга ёрдам керак бўлса, бошқаларнинг эътиборини тортмаган ҳолда ўз ёрдамингизни таклиф қилинг;
- интервью чоғида суҳбатдошингизга олдиндан тайёрланган саволларни бемалол беришдан қўрқманг.

**Республикамизда кўпгина ННТ бевосита ўз мақсадли гуруҳлари сифатида ОИВ вируси билан зарарланганлар ва ОИТСга чалинганларга ижтимоий-руҳий ёрдам кўрсатишади. Мақсадли гуруҳ аъзолари билан мулоқотда<sup>73</sup>:**

ОИТС билан касалланган одамларнинг иммун тизими ишдан чиққан бўлиб, касаллик фақатгина жинсий йўл билан юқиши аллақачон исботланган.

Шунинг учун ҳам бундай одамлар билан кўришган чоғда, суҳбатда касаллик юқишидан қўрманг. Улар билан оддий инсонлар каби мулоқотда бўлинг;

- савол бериш чоғида суҳбатингизни айнан уларнинг касаллиги, кўйилган ташҳисини шарҳлаш билан бошламанг;
- агарда шамоллаган бўлсангиз ОИТС билан касалланган одамлар билан учрашувга борманг, суҳбатингизни бошқа кунга кўчиринг. Чунки улар осон касалга чалинувчандирлар;
- ОИТС билан касалланган одамлар билан суҳбат чоғида улардан ўзингизни олиб қочманг;
- амалдаги қонунчиликка биноан ОИТСга чалинган одамларнинг шахсини ошкор этиш тақиқланишини унутманг.

***Маслаҳат:** жисмоний камчилиги мавжуд одамларнинг инсоний ҳуқуқларига риоя этинг ва уларга нисбатан доимо ҳурматда бўлинг!*

**Аксарият ННТнинг мақсадли гуруҳи бўлган болаларни ОАВда ёритишда журналист<sup>74</sup>:**

- болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар қандай шароитда ҳурмат қилиниши лозим. Улар болалар ҳаётида учрайдиган муаммоларни ҳал этиш

<sup>72</sup> Ўша ерда

<sup>73</sup> Ўз ННТМА қошидаги ногиронлик масалалари бўйича Маслаҳат Кенгашининг ногиронлиги мавжуд инсонлар образини электрон ОАВ ва кинофильмларда ёритиш бўйича тавсиялар. Ўзбекистон ногиронлар жамияти уюшмаси ахлоқ кодекси.

<sup>74</sup> Н.Қосимова., Н.Тошпўлатова. Ўзбекистон ОАВда болалар мавзусини ёритишнинг назарий ва амалий асослари. Т.: 2014. Б.136-137

ва бола ҳуқуқларини илгари суришга хайрихоҳликни ўз ичига олган ҳолда ҳамма нарсадан устун туради;

Шунингдек, журналист боланинг нуқсонини кўрсатиб, унда салбий реакцияни келтириб чиқарувчи тавсифдан қочиши;

- боланинг манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўйиши;
- болага руҳий зарар етказмаслиги;
- доимо бола ҳаёти тарихини реал тасвирлаши;

агарда у ногирон, жисмоний ёки жинсий зўрлик қурбони, ОИТС билан касалланган, судда унинг иши кўрилатган бўлса, доимо боланинг исмини яшириши ёки ўзгартириши керак.

Боланинг исми ва фамилияси фақатгина ота-онаси, васий шахс томонидан розилик берилган тақдирдагина ёритилиши мумкин.

Баъзи бир ҳолатларда боланинг шахсий маълумотлари материални жонлантириш учун берилади, аммо бундай ҳолатда бола руҳий зарар кўрмаслиги лозим.

**ОАВлар:**

— болаларга зарар етказувчи маълумотлар, фотосуратларни беришдан қочишлари;

— болалар билан боғлиқ стереотипли ва шов-шувли материалларни беришга интилмасликлари;

— материал эълон қилинганидан сўнг у келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатни олдиндан кўра билишлари ва бунга йўл қўймасликлари ҳамда болалар учун оқибатларни бартараф этишлари;

— болаларни визуал ёхуд бошқа идентификациясини амалга оширмасликлари;

— ОАВда иложи борича болаларнинг ўз фикрларини айтишларига ташқи босимсиз имкон беришлари;

— болаларни салбий ҳолатларда тасвирлашдан қочишлари;

— иллюстратив материаллар (фото ва видео тасвирлар) олиш учун очик ва тўғри усуллардан фойдаланишлари;

— болалар номидан чиқувчи ёхуд улар манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳар қандай ташкилотни олдиндан текширишлари;

— болалар, уларнинг васийлари, ота-оналарига, агарда болалар манфаатларига зид келадиган бўлса, ахборот берганликлари учун ҳақ тўламасликлари керак.

— болани фото ёки видеога олишда албатта ота-она ёки васий шахснинг рухсати бўлиши лозим. Рухсат сўралганда ота-она ёки васий шахсга болани суратга олишдан мақсадни очик тушинтириш лозим. Агарда сурат бола манфаатларига зид келса, уни ОАВ орқали тарқатмаслик лозим<sup>75</sup>.

---

<sup>75</sup> Н.Қосимова., Н.Тошпўлатова. Ўзбекистон ОАВда болалар мавзусини ёритишнинг назарий ва амалий асослари. Т.: 2014. Б.136-137

## **Ногиронлиги мавжуд инсонлар образини электрон ОАВ ва кинофильмларда ёритиш бўйича тавсиялар<sup>76</sup>**

Афсуски ҳозиргача одамлар ногиронлиги мавжуд инсонларга нисбатан стереотиплар гирдобиди ҳаёт кечиришмоқда. Уларни бузиш, аҳолини кенгроқ мазкур қатламга мансуб инсонлар ҳаёти билан таништириш учун аудиовизуал воситалар, хусусан телевидение, кино, радиодан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Фильмлар, сериаллар томошабинларга ногиронлиги бор инсонларнинг фаол ҳаёти ва қизиқишлари ҳақида сўзлаб бериши мумкин.

Бунинг учун:

1. Ногиронлиги мавжуд инсонлар жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида фаолият юритишини тарғиб қилувчи ҳаётий воқеалар асосида суратга олинган сериаллар, фильмлар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, ижтимоий роликлар тайёрлаш ва эфирга узатиш лозим. Уларда ногиронлиги мавжуд инсонлар фильмда бош қаҳрамон образида ёки эпизодларда бўлиши мумкин (дўкондаги харидор, банк миждози, фильм\сериал бош қаҳрамонининг оила аъзоларидан бири сифатида талқин қилиниши мумкин). Асосийси ногиронлиги мавжуд инсоннинг стереотипга хос бўлмаган образини кўрсатиш;
2. Ментал ногиронлиги мавжуд инсонларни ҳам эътибордан четда қолдирмай кўзи ожиз, эшитмайдиган, бошқа жисмоний камчилиги мавжуд одамлар билан биргаликда Даун синдроми, аутизм билан касалланган одамларнинг ҳаётини ҳам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир;
3. Ногиронлик мавзуси бўйича ишчи гуруҳ тузиб, уннинг таркибига мутахассислар, ногиронлиги мавжуд инсонлар ва боласи ногирон бўлган ота-оналарни киритиш. Мазкур гуруҳнинг вазифаси – журналистлар, кино ва телевидение ходимларини ногиронлиги мавжуд одамларнинг образини ёритиш борасида маслаҳатлар бериш. Бу борада мазкур эксперт институтлари мавжуд бўлган хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш;
4. Телевидениеда ижтимоий роликлар сонини кўпайтириш. Ижтимоий рекламаларни тайёрлашда ногиронлиги мавжуд инсонларнинг образи ачиниш ҳиссини келтириб чиқармаслиги учун экспертлар ёрдамидан фойдаланиш;
5. Ногиронлиги мавжуд инсонлар тўғрисидаги фильмлар, сериаллар, дастурлар учун махсус ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш. Шунингдек, бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибасидан ва БМТ томонидан ишлаб чиқилган қоидалардан фойдаланиш;
6. Ногиронлиги мавжуд инсонлар учун актёрлик маҳорати дарсларини ташкил этиш: телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларнинг бошловчилари ҳамда актёр бўлишни истаган жисмоний камчилиги мавжуд одамларни ўқитиш учун махсус стипендиал дастурлар

---

<sup>76</sup> Ўз ННТМА қошидаги ногиронлик масалалари бўйича Маслаҳат Кенгашининг ногиронлиги мавжуд инсонлар образини электрон ОАВ ва кинофильмларда ёритиш бўйича тавсиялар. Ўзбекистон ногиронлар жамияти уюшмаси ахлоқ кодекси.



- (масофали бўлмаган)ни актёрлик йўналиши бор бўлган олий таълим муассасаларига таклиф этиш;
7. Ногиронлиги мавжуд бўлмаган аммо ногиронлар ролини ўйнаётган актёрларга маслаҳат беришни ташкил этиш. Афсуски, К сожалению, теледастурлар ва фильмларда биз аксарият ҳолатларда ногиронлиги мавжуд инсонлар касал, ёрдамга муҳтож сифатида ёки унинг ҳаёти қаҳрамонлик сифатида талкин этилганлигини кўрамиз;
  8. Телекўрсатувларда ногиронлиги мавжуд инсонлар ҳақидаги миллий ва хорижий филмлардан фойдаланиш;
  9. Ногиронлиги мавжуд инсонлар қатнашаётган ёки бошловчи сифатида жалб қилинаётган фильмлар, сериаллар ва телекўрсатувлар тайёрлайдиган телеканаллар, продюссерлик марказларга давлат томондан қўллаб-қувватланиш, имтиёзлар бериш, рағбатлантиришни таъминлаш.
  10. Ногиронлиги мавжуд инсонларнинг телекўрсатувлар ва фильмларда қатнашишлари учун уларни молиялаштиришда давлат квотасини киритиш (10 фоиз атрофида).

### **Интернетда ННТ фаолиятини ёритишда журналист этикаси**

ННТ фаолиятини ёритишда журналистлар риоя этиши зарур бўлган ахлоқ қоидалари интернетда ҳам ўз кучини йўқотмайди. Шунга қарамай интернетда фаолият юритишнинг ўзига хос томонлари бўлиб, биринчи галда ахборот хизматининг ходими ўз сайти, ижтимоий тармоқдаги саҳифаси ва ташкилот блогини юритишда қуйидаги қоидаларга риоя этиши зарур<sup>77</sup>:

- ахборотни унинг манбасини бир неча мартаба текширмасдан жойлаштирманг;

- ижтимоий тармоқлардан олинган иқтибос, фотосуратлар ёки видеотасвирларни манбасини кўрсатмасдан туриб ишлатмаслик лозим;

- ижтимоий тармоқлар олиниб, чоп этилган фотосуратлар ташкилот саҳифаси ёки блогига жойлаштирилганда бошқача мазмун касб этмаслиги зарур<sup>78</sup>;

- интернетда фотосуратлар, видеосюжетларни уларда тасвирланган инсонларнинг розилигисиз жойлаштирмаслик керак;

- ижтимоий тармоқлардаги хабарлар шахсий сўзлашув бўлиши мумкин, албатта бу ҳақида хабар бериш ва манбани кўрсатиш лозим;

- ўзингизнинг шахсий қарашларингиз, сиёсий фикрларингизни ташкилот саҳифасида жойлаштирманг. Интернетдаги ташкилот саҳифаси фақатгина ташкилотнинг ижобий имиджини шакллантириш учун хизмат қилиши кераклигини унутманг<sup>79</sup>;

- ташкилот сайти ва ижтимоий тармоқдаги саҳифасида бошқа ташкилот, ходимни асоссиз қораловчи материалларни жойлаштирманг. Далил ва

<sup>77</sup> Н.Қосимова. Интернет ахборот хизматларининг фаолиятида. Т., 2014. Б.58

<sup>78</sup> Руководство Би-би-си по использованию материалов из социальных сетей\\ Bbc.co.uk

<sup>79</sup> Рекомендации сотрудникам агентства Ассошиэйтед пресс.\\www.ap.org\\images

фактларсиз бу ўз ташкилотингиз имиджига зарар етказиши мумкинлигини унутманг;

- сиз тарқатаётган хабар айнан кимга мўлжалланганлигини эътиборга олган ҳолда саҳифанинг соғлаш қурилмасини созланг. Аммо интернетда ҳақиқатдан ҳам махфий ахборот бўлмаслигини унутманг;

- интернетда муаллифлик ҳуқуқини ҳурмат қилинг, плагиатдан қочинг.

## **2.6. Ногиронлиги мавжуд инсонлар билан мулоқотда тил ва услуб меъёрлари<sup>80</sup>**

“Ногиронлик”, “ногирон” тушунчаси соғлиқдан чекиниш маъносида қўлланганлиги сабабли соғлом бўлмаган инсонлар тушунчасини беради. Аксарият ҳолатларда мазкур тушунча ва атамаларнинг нотўғри қўлланилиши ногиронлиги мавжуд бўлган инсонларнинг шахсиятига тегиши мумкин.

Агарда сиз жисмоний камчилиги мавжуд бўлган инсонлар ҳақида ёзаётган бўлсангиз, албатта нейтрал сўзлардан фойдаланиб, сўз бирикмаларини ўйлаб ишлатинг. Шунингдек “ногирон”-“соғлом” каби қиёслашдан қочинг. Ҳеч қачон “жисмоний тўлиқ бўлмаган”, “майиб”, “касал”, “эпилептик”, “децепси бор одам”, “даун” ва бошқа шунга ўхшаш атамалардан фойдаланманг. Ногиронлиги мавжуд инсонлар билан ишлашнинг асосий тамойилларидан бири ахлоқий тил меъёрларидан фойдаланишдир. Бундай инсонлар ҳаётини ёритишда биринчи ўринга муаммони эмас, балки инсон шахсини чиқариш зарур.

### **Ахлоқий меъёрларга асосланган тил қоидалари**

<b>Фойдаланинг</b>	<b>Фойдаланманг</b>
Ногиронлиги мавжуд инсон	Ногирон
Жисмоний камчилиги бор инсон	Касал, майиб
Соғлиғи бузилган инсон	Мажруҳ
Ривожланишдан орқада қолаётган бола	Ногирон
Ўзгача эҳтиёжларга эга одам	Норасо
Ўзига хос ривожланишга эга бола	Жинни
Ногиронлиги мавжуд бўлмаган инсон	Ақли бутун

<sup>80</sup> Ўз ННТМА қошидаги ногиронлик масалалари бўйича Маслаҳат Кенгашининг ногиронлиги мавжуд инсонлар образини электрон ОАВ ва кинофильмларда ёритиш бўйича тавсиялар. Ўзбекистон ногиронлар жамияти уюшмаси ахлоқ кодекси.

Оддий одам	Соғлом
Ногиронлар аравачасидан фойдаланадиган инсон	Аравачага михланган одам
Ногиронлик аравачасида юрадиган одам	Коляскачи
Туғма ногиронлик	Бахтсизлик, туғма мажруҳлик
Церебрал параличга чалинган инсон	Церебрал паралич қурбони
Полиомиелитни бошидан кечирган	Полиомиелитга чалинган
Полиомиелит натижасида ногиронлик олган	Полиомиелитдан жабр кўрган
Ақлий жиҳатдан ривожланишдан орқада қолаётган инсонлар	Ақлий қолоқ
Ривожланишдан орқада қолаётган болалар	Ақлан заиф
Таълим олишда қийналаётган болалар	Жинни, ақдан озган, ақли паст болалар
Даун синдроми бор одам	Даун
Эпилепсияси бор одам	Эпилептик
Эпилептик тутқаноққа чалинган инсон	Тутқаноқ
Рухий касаллиги мавжуд инсон	Телба, жинни
Рухий бузилишлари мавжуд инсон	Псих, рухий касал, тентак
Ментал соғлиғи бузилган инсон	Эси паст, овсар
Кўзи ожиз инсон	Кўр
Яхши кўрмайдиган инсон	Ярим кўр
Ёмон эшитадиган, эшитмайдиган одам	Кар
Мулоқотда қийинчиликлари мавжуд инсон	Кар-соқов
Нутқида қийинчилиги мавжуд инсон	Соқов

## ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

ННТ ва ОАВ уларнинг орасида ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилганми? “Учинчи сектор”нинг фаолияти ОАВ учун қизиқми? Мазкур саволларга жавоб топиш мақсадида Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Ўзбекистон ОАВда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти қай даражада ёритилаётганлиги хусусида ўтказилган таҳлил натижаларига кўра<sup>81</sup> маълум бўлдики:

- Ўзбекистонда ННТ фаолияти мунтазам равишда ёритилмайди. Ёритилганда ҳам фақатгина ахборий сабаб натижасида, яъни конференция, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилиши натижаси билан ёритилади.

- ННТ фаолиятини тўлиқ ва кенг қамровли таҳлил этиб берувчи материаллар жуда кам;

- ННТ ва ОАВ билан ахборий ва коммуникацион ҳамкорлик қониқарли даражада йўлга қўйилмаган.

- Ўзбекистон ОАВда ННТ фаолияти билан боғлиқ қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаб, аҳолига тушунтириб берувчи материаллар етарли эмас;

- Мавжуд материалларда ННТ фаолияти бир ёқлама ёритилиб, уларнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ўрни жуда заиф ёритилмоқда;

- Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шаклланишида, мустақил ННТлар ривожиди, уларнинг фаолиятидаги шаффофлик ва ошкораликни таъминлаш борасида ўтказилаётган ислоҳатлар самарасини ёритишда ОАВнинг роли хусусидаги масалалар етарли даражада кўтарилмаяпти;

- Учинчи секторнинг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштироки ҳақидаги таҳлилий материаллар қониқарли эмас

**Афсуски, ННТ хусусидаги материалларнинг аксарияти хабар шаклида берилган бўлиб, фақатгина информацион характерга эга. Юқоридаги каби хабарлар ННТ фаолиятини аҳолига очиб, тушинтириб беришга хизмат қилмайди.**

**Хўш, муаммони бартараф этиш учун нима қилиш керак? Аввало:**

- Ўқувчи, радиотингловчи ва телетомошабинлар аудиториясини ННТ фаолияти ҳақида сифатли ва чуқур таҳлилга асосланган журналистик материаллар тайёрлаш.

- ННТ фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил этиш, фуқаролик жамиятининг давлат ривожидида тутган ўрнини кўрсатиш;

- ННТ ва журналистлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали тарғиб этиш;

---

<sup>81</sup> 2014 йилда ўтказилган Ўзбекистон ОАВда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти қай даражада ёритилаётганлиги хусусида ўтказилган таҳлили

- ОАВ ва фуқаролик жамияти институтларини бошқаришга оид қонунчилик соҳасидан хабардор қилиш мақсадида журналистлар ва ННТ вакилларининг ҳуқуқий билимларини ошириш;

- мазкур соҳани ёритишда журналистлар ихтисослашувини оширишга қаратилган семинар-тренинглار ташкил этиш;

- фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва журналистларнинг сиёсий фаоллигини ошириш;

- ЎзННТМА қошида ижтимоий тармоқларда ННТ фаолиятини ёритувчи журналистлар клубини ташкил этиш;

- ННТнинг мақсадли аудиторияси билан ишлашда ахлоқий меъёрларга риоя этиш;

- ахборот ва таҳлилий жанрлардан самарали фойдаланиш.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Конституциянинг 15-, 30-, 34-моддаларида ННТнинг фаолиятига оид тегишли қоидалар белгиланган бўлиб, XIII боб тўлалигича жамоат бирлашмаларига бағишланган). Т., 1992 йил.
2. “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1991 йил.
3. “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 1992 йил.
4. “Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни .1999 йил.
5. “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2003 йил.
6. “Ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2007 йил.
7. “Нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2007 йил.
8. “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2013 йил.
9. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2014 йил.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори. 2005 йил 23 июнь.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори. 2013 йил 12 декабрь.
12. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2008 йил.
13. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1997 йил.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни, 1997 й.;
15. “Нодавлат ноижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашларининг қўшма қарори 03.07.2008 й.
16. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: “Ўзбекистон”, 2004. – Б.350.
17. Ўзбекистон Республикасида нодавлат ноижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолиятига доир савол ва жавоблар.Т.: 2009.
18. Қосимова Н., Тошпўлатова Н. Ўзбекистон ОАВда болалар мавзусини ёритишнинг назарий ва амалий асослари. Т.: 2014.

19. Қосимова Н. ва бошқалар. Жамоатчилик билан самарали мулоқот. Ахборот хизмати ходимлари учун қўлланма. Т.: 2013 й.
20. Қосимова Н., Тошпўлатова Н.ва бошқалар. Босма ОАВ тахририятлари учун ўқув қўлланма. Т.: 2008.
21. Липпман Уолтер. “Общественное мнение”. М.: 1922 г.
22. Игнатъев Д., Бекетов А. Настольная энциклопедия Public Relations. – М.: “Альпина Паблишер”, 2004 г.
23. Кримски Ж.А. Репортаж, материалларнинг ёзилиши ва тахрир қилиниши асослари. Т.: 2003 й.
24. Қурбонов О. “Миллий иқтисодиётда учинчи секторнинг шаклланиш ва ривожланиш йўналишлари” мавзусидаги битирув малакавий иши. Гулистон. 2011.
25. Ўзбекистон Республикаси нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форуми материаллари, декабрь 2014 й.
26. Бобров А. Этика общения с людьми, имеющими инвалидность, в вопросах и ответах. <http://molproekt.perspektiva-inva.ru/articles/ethics/>
27. Қосимова Н. Интернет ахборот хизматларининг фаолиятида. Т.: 2014.
28. Руководство Би-би-си по использованию материалов из социальных сетей\ Bbc.co.uk
- 29.Рекомендации сотрудникам агентства Ассошиэйтед пресс. [\\www.ap.org\images](http://www.ap.org/images)
30. Как социальные сети и СМИ могут помочь продвижению НКО проектов? <http://victoriacf.ru>
31. Социальные сети от А до Я // <http://www.social-networking.ru>
32. [www.nanouz.uz](http://www.nanouz.uz)
33. [www.icrc.org](http://www.icrc.org)
34. [www.who.int](http://www.who.int)
35. [www.wildfield.ru](http://www.wildfield.ru)
36. [www.rsf.org](http://www.rsf.org)
37. [www.xorazmakm.zn.uz](http://www.xorazmakm.zn.uz)
38. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

## **Илова.**

Ўзбекистон Республикасининг қонуни

### **НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 115-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2012 й., 15-сон, 164-модда)

#### **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларининг, халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

(1-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги 621-II-сон Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 25-сон, 287-модда)

2-модда. Нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчаси

Нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

3-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари  
Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар ҳамда бошқа айрим нодавлат нотижорат ташкилотларини тузишнинг, улар фаолиятининг, қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг хусусиятлари махсус қонунлар билан тартибга солинади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасининг у ёки бу муносабатлари махсус қонунлар билан тартибга солинмаган ҳолларда ушбу Қонуннинг нормалари қўлланилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари



Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин.

Давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига аралашшига, худди шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

5-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг халқаро алоқалари

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига кириши, улар билан тўғридан тўғри халқаро алоқалар ўрнатиши, ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимлар тузиши мумкин.

## II. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ, ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳуқуқий мақоми

Нодавлат нотижорат ташкилоти юридик шахс бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти, агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

7-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳуқуқлари

Нодавлат нотижорат ташкилоти қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

8-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг мажбуриятлари

Нодавлат нотижорат ташкилоти:

қонун ҳужжатларига риоя этиши;

ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаши;

нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказаётган тадбирларга эркин кириш имконини бериши;

рўйхатдан ўтказувчи солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши шарт.

(8-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги 621-П-сон Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 25-сон, 287-модда)

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

9-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхонаси у турган ердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинма бўлиб, нодавлат нотижорат ташкилотининг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг филиали у турган ердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинма бўлиб, унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини амалга оширади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхоналари ва филиаллари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлиши мумкин.

Халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари юридик шахслардир.

(9-модда Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги 621-П-сон Қонунига асосан тўртинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2004 й., 25-сон, 287-модда)

10-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузиши мумкин.

11-модда. Жамоат бирлашмаси

Маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси жамоат бирлашмаси деб эътироф этилади.

Жамоат бирлашмаси қатнашчилари мазкур бирлашмага мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан аъзолик бадалларига бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида қатнашаётган жамоат

бирлашмасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашма эса ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

12-модда. Жамоат фонди

Жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкый бадаллар кўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилади.

Жамоат фондига унинг муассислари (муассиси) ёки васият қилувчи томонидан ўтказилган мол-мулк фонднинг мулкидир. Фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномани ижро этувчи фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, фонд эса муассисларнинг (муассиснинг) ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Жамоат фондининг мол-мулкидан фонд уставига белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларни қоплаш учун фойдаланилади.

Жамоат фонди ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот эълон қилиб бориши шарт.

(12-модда Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги 621-П-сон Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 25-сон, 287-модда)

13-модда. Муассаса

Ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти муассаса деб эътироф этилади.

14-модда. Халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти

Ўз уставига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда битта ёки ундан кўпроқ чет эл давлати ҳудудида фаолият олиб бориши мумкин бўлган халқаро ташкилот халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти деб ҳисобланади.

### III. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

15-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш

Нодавлат нотижорат ташкилоти унинг муассислари (аъзолари) қарори асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг уюшмалари (иттифоқлари) камида иккита нодавлат нотижорат ташкилоти ташаббуси билан тузилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ташаббускорлари ёки муассислари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишни чақирадилар, унда устав қабул қилинади ҳамда раҳбар органлари тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади.

16-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари

Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари қуйидагилардан иборат:

муассислар (аъзолар) томонидан тасдиқланган устав;

қатнашчилар томонидан тузилган таъсис шартномаси ва улар тасдиқлаган устав — уюшма (иттифоқ) учун.

Нодавлат нотижорат ташкилоти таъсис ҳужжатларининг талаблари нодавлат нотижорат ташкилотининг ўзи учун, унинг муассислари ва қатнашчилари (аъзолари) учун мажбурийдир.

Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) нодавлат нотижорат ташкилотлари уюшмасини (иттифоқини) тузиш мажбуриятини оладилар, уни тузиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкни бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш, нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартларини белгилаб берадилар. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига биноан бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

17-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг устави

Нодавлат нотижорат ташкилотининг уставида қуйидагилар назарда тутилади: нодавлат нотижорат ташкилотининг номи, мақсад ва вазифалари, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, у ўз фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд;

нодавлат нотижорат ташкилотининг тузилмаси ва раҳбар органлари, заруратга қараб унинг назорат-тафтиш органлари (ижтимоий фондлар учун — мажбурий) ёки аудиторларни (аудиторлик фирмаларини) жалб этишнинг мажбурийлиги;

раҳбар органларнинг ваколат доираси ва уларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколат муддатлари, доимий асосда ишлайдиган раҳбар орган жойлашган ер;

аъзолик белгиланган бирлашмалар учун — аъзо бўлиш ва аъзоликдан маҳрум бўлиш шартлари ва тартиби, аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни шакллантириш манбалари, нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда унинг таркибий бўлинмаларининг мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари;

қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби;

уставга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиби.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг уставида унинг рамзий белгилари тавсифи бўлиши мумкин.

Уставда нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятига тааллуқли, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

18-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг муассисларига, қатнашчиларига (аъзоларига) қўйиладиган умумий талаблар

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, ўн саккиз ёшга тўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахслар нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари (аъзолари) бўлиши мумкин.

Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига ўн тўрт ёшга тўлган шахслар, болаларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига эса ўн ёшга тўлган шахслар аъзо бўлиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотига аъзо бўлиш, аъзоликдан маҳрум бўлиш шартлари ва тартиби, шу жумладан ёшига кўра

аъзоликдан чиқиш шартлари тегишли нодавлат нотижорат ташкилотларининг уставлари билан белгиланади.

Расмий ҳужжатларда у ёки бу нодавлат нотижорат ташкилотига аъзолик ёки унинг фаолиятидаги иштирокнинг кўрсатилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига мансублиги ёки мансуб эмаслиги уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш учун асос бўла олмайди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари (аъзолари) бўлиши мумкин, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

19-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари

Нодавлат нотижорат ташкилоти байроқ, эмблема, вимпел ва бошқа рамзий белгиларга эга бўлиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари давлат рамзий белгиларига ўхшамаслиги керак.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари уставга мувофиқ унинг раҳбар органи томонидан тасдиқланади ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

20-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта ташкил этиш

Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта ташкил этиш унинг юқори органи қарорига биноан бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

#### IV. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

21-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари, республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.

(21-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги 621-П-сон Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 25-сон, 287-модда)

Вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудларида фаолият олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларининг чет эл

фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини белгиланган тартибда аккредитация қилишни амалга оширади.

(21-модда Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги 621-II-сон Қонунига асосан тўртинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2004 й., 25-сон, 287-модда)

Нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатга олган орган унинг фаолияти уставда белгиланган мақсадларга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилади.

(21-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги 621-II-сон Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 25-сон, 287-модда)

22-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатга олувчи органга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур нодавлат нотижорат ташкилотининг раҳбар-органи аъзолари ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, яшаш жойи ҳамда манзилни кўрсатган ҳолда улар томонидан имзоланган ариза;

нодавлат нотижорат ташкилотининг икки нусхадаги устави;

таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилишнинг нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги, муассислари хусусидаги, унинг уставини тасдиқлаш ҳақидаги, раҳбар органлари ва бошқа органларини шакллантириш тўғрисидаги маълумотлар албатта мавжуд бўлган баённомаси;

давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.

(22-модданинг биринчи қисми бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги ЎРҚ-197-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2008 й., 52-сон, 513-модда)

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш ўтказилган кундан эътиборан икки ой ичида тақдим этилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш ваколатхона ва филиал томонидан тақдим этилган, нодавлат нотижорат ташкилотининг марказий раҳбар органи томонидан тасдиқланган ҳужжатлар асосида, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси асосида тегишли адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг юридик шахс бўлмаган ваколатхоналари ва филиалларини ҳисобга олиш нодавлат нотижорат ташкилоти марказий раҳбар органлари томонидан тақдим этилган ва тасдиқланган ҳужжатлар асосида, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси асосида тегишли адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ваколатхона ёки филиалнинг асосий мақсадлари ҳамда фаолият кўрсатиш муддати, шунингдек ходимларининг сони чегараси ҳам кўрсатилган ариза рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилади. Аризага асосий ташкилотнинг раҳбарлик қилувчи марказий органи томонидан тасдиқланган қуйидаги хужжатлар икки нусхада илова қилинади:

асосий ташкилотни тузиш мақсадлари ва вазифалари кўрсатилган ҳолда уставнинг ҳамда рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг белгиланган тартибда легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган нусхалари;  
(22-модда бешинчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 апрелдаги ЎРҚ-322-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 15-сон, 164-модда)

асосий ташкилотнинг Ўзбекистон Республикасида ваколатхона очиш ёки филиал ташкил этиш тўғрисидаги қарори (баённомаси), унда ваколатхона очишга (филиал ташкил этишга), унинг низомини тасдиқлашга, раҳбарини (раҳбарларини) тайинлашга оид белгиланган тартибда легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган маълумотлар бўлиши керак;

(22-модда бешинчи қисмининг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 апрелдаги ЎРҚ-322-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 15-сон, 164-модда)

ваколатхона ёки филиал тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган, уни очишдан (ташкил этишдан) кўзланган мақсадлар ва вазифалар ҳам кўрсатилган, ўзбек ва рус тилларидаги низом (устав);

асосий ташкилот томонидан ваколатхона ёки филиал раҳбарига берилган белгиланган тартибда легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган ишончнома;  
(22-модда бешинчи қисмининг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 апрелдаги ЎРҚ-322-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 15-сон, 164-модда)

асосий ташкилот фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган ахборот;

(22-модда бешинчи қисмининг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 апрелдаги ЎРҚ-322-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 15-сон, 164-модда)

ижарага берувчининг тегишли биноларни ваколатхона ёки филиалга бериш тўғрисидаги розилик хати;

давлат божи тўланганлиги тўғрисида банк тўлов хужжати;

(22-модданинг бешинчи қисми саккизинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги ЎРҚ-197-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2008 й., 52-сон, 513-модда)

ваколатхона ёки филиалнинг раҳбари ҳамда ходимлари тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, фуқаролиги, касби, яшаш жойи ҳамда телефон рақами кўрсатилган ҳолда;

ваколатхона ёки филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида белгиланган шаклдаги декларация.

(22-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги 621-II-сон Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 25-сон, 287-модда)

23-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қарор

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни қабул қилиб олган адлия органи уларни икки ойлик муддат ичида кўриб чиқади ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч кун ичида муассисларга давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома ёки қонун ҳужжатларининг қайси қоидалари бузилганлиги давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга олиб келганлиги ҳақида аниқ кўрсатилган ҳужжат беради.

24-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг маълумотларини юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиш

Давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари юридик шахсларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун очиқ бўлган ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрида қуйидагилар кўрсатилади:

таъсис этилган сана;

номи ва жойлашган ери;

раҳбар органлари;

вакиллар сифатида иш олиб боришга ваколатли шахслар;

фаолият соҳаси.

25-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш, агар:

нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришни, суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига путур етказишни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситишни, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилишни, фуқароларнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилишни мақсад қилиб қўйган бўлса;

ҳужжатлар рўйхат бўйича тўлиқ тақдим этилмаган ёки улар лозим даражада расмийлаштирилмаган бўлса;

ҳужжатлар устав қабул қилинган пайтдан бошлаб икки ойлик муддат ўтганидан кейин тақдим этилган бўлса;

илгари худди шу номдаги нодавлат нотижорат ташкилоти рўйхатдан ўтказилган бўлса;

нодавлат нотижорат ташкилотини тузишнинг қонунда белгиланган тартиби бузилган бўлса ёки унинг таъсис ҳужжатларида қонунга номувофиқликлар бўлса;



рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган таъсис ҳужжатларида атайин нотўғри маълумотлар келтирилганлиги аниқланган бўлса;

нодавлат нотижорат ташкилотининг номи ёки рамзий белгилари маънавиятга фуқароларнинг миллий ва диний туйғуларига дахл қилса;

нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатларида ҳарбийлаштирилган бирлашмалар тузиш назарда тутилган бўлса, рад этилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш таъсис ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига зид қоидалар мавжуд бўлган бошқа ҳолларда ҳам рад этилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тузиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилиши рад этиш сабаблари бартараф этилган тақдирда ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этишга тўсқинлик қилмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказувчи адлия органига такрорий қилинган мурожаатни кўриб чиқиш ва бу мурожаат юзасидан қарор чиқариш ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

26-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги устидан шикоят қилиш

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганлиги, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатлари бузилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин.

27-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта рўйхатдан ўтказиш

Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар нодавлат нотижорат ташкилотининг ўзини давлат рўйхатидан ўтказиладиган тартибда ва муддатларда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Нодавлат нотижорат ташкилоти халқаро нодавлат нотижорат ташкилотига ёки унинг филиалига айлантирилган тақдирда уни қайта рўйхатдан ўтказиш мажбурийдир.

## V. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

28-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулки

Бинолар, иншоотлар, турар жойлар, ускуналар, инвентар, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк нодавлат нотижорат ташкилотининг мулки бўлиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти ўз мажбуриятлари юзасидан қонунларга мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

29-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулкни шакллантириш манбалари

Нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулкани шакллантириш манбалари куйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

кириш ва аъзолик бадаллари, агар улар уставда назарда тутилган бўлса; муассислардан, катнашчилардан (аъзолардан) бир маротаба ва мунтазам равишда келадиган тушумлар;

ихтиёрий мулкый бадаллар ва эҳсонлар;

тадбиркорлик фаолиятидан олинган, фақат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар (фойда);

қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

30-модда. Нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятининг турлари

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун билан тақиқланмаган ҳамда ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларга мувофиқ бўлган фаолиятнинг ҳар қандай турини амалга ошириши мумкин.

Халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари ҳамда бундай ваколатхоналарнинг (филиалларнинг) ходимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бирон бир сиёсий фаолиятда ва ваколатхона ёки филиалнинг уставда белгиланган мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа фаолиятда иштирок этишга ҳақли эмас. Уларнинг сиёсий партиялар ҳамда оммавий ҳаракатлар томонидан ўтказиладиган амалий ҳаракатлар ва тадбирларни молиялаштиришига, шунингдек бундай ташкилотларни тузиш ташаббуси билан чиқишига ҳамда шундай ташкилотлар тузишни қўллаб-қувватлашига йўл қўйилмайди.

(30-модда Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги 621-П-сон Қонунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2004 й., 25-сон, 287-модда)

Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан айрим фаолият турлари фақат лицензиялар асосидагина амалга оширилиши мумкин. Бундай фаолият турларининг рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

31-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг тадбиркорлик фаолияти

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

32-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотига солиқ солиш

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлайди, шунингдек имтиёзлардан фойдаланади.

(32-модда матни Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 28 декабрдаги ЎРҚ-138-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2007 й., 52-сон, 533-модда)

## VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОЙДАЛАР

33-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳисоб ва ҳисоботи

Нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

(33-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги 621-П-сон Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 25-сон, 287-модда)

34-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти у Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларини бузган тақдирда суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган, шунингдек устав мақсадларига зид ҳаракатлар содир этилган тақдирда прокуратура органлари ёки адлия органлари кўрсатилган қоидабузарликлар тўғрисида мазкур нодавлат нотижорат ташкилотининг раҳбар органларига тақдимнома киритади ҳамда бу қоидабузарликларни бартараф этиш муддатини белгилайди. Агар бу қоидабузарликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаса, нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти прокуратура ва адлия органларининг тақдимномаси асосида суднинг қарори билан олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирда нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

35-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш оқибатлари

Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти суднинг қарори билан белгиланган муддатга тўхтатиб қўйилган тақдирда унинг оммавий ахборот воситалари муассиси тариқасидаги ҳуқуқлари тўхтатиб қўйилади, унга оммавий тадбирлар ташкил этиш, банк омонатларидан фойдаланиш тақиқланади, хўжалик фаолияти, меҳнат шартномалари, ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш ва жарималар тўлашга доир харажатлар бундан мустасно.

Агар нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини тўхтатиб қўйишнинг суд томонидан белгиланган муддати мобайнида у ўз фаолиятининг тўхтатилишига сабаб бўлган қоидабузарликни бартараф этса, мазкур муддат тугаганидан сўнг нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолиятини қайтадан бошлаши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилоти кўрсатилган қоидабузарликни бартараф этмаган тақдирда унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш тўғрисида судга тақдимнома киритган орган бу ташкилотни тугатиш тўғрисида судга тақдимнома киритиши мумкин.

36-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш унинг юқори органи қарорига биноан ёки суд тартибида амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари (аъзолари) ёки нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган давлат рўйхатидан ўтказувчи адлия органи билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисидаги ёзув уни давлат рўйхатидан ўтказган адлия органи томонидан қўйидаги ҳужжатлар асосида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади:

нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиш тўғрисидаги ариза (ихтиёрий равишда тугатилаётган тақдирда);

тегишли органнинг нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисидаги қарори;

нодавлат нотижорат ташкилотининг устави ва бошқа таъсис ҳужжатлари ҳамда у давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

тугатиш баланси ёки топшириш ҳужжати ёхуд тақсимлаш баланси.

Кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк ташкилот қатнашчилари (аъзолари), шунингдек раҳбар органларнинг аъзолари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларининг ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ҳамда ундан белгиланган тартибда фойдаланилади.

37-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.